O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 2000 йил, 2 июнь, № 20 (255) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

● Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида фуқароларни ноқонуний жавобгарликка тортиш ёки жазодан озод қилиш, тергов жараёнларини асоссиз равишда чўзиш каби салбий ҳолатлар ҳамон учраб тургани ачинарли ҳолдир.

Айниқса, хизмат вазифаси ва бурчи бевосита қонунни, давлат манфаатини, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдан иборат бўлган идораларнинг баъзи ходимлари ҳам жиноятчиликка қўл ураётганига асло муроса қилиб бўлмайди...

Ислом КАРИМОВ

(Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан).

Кўппартиявийлик тизимида

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

Ўзбекистон жамиятни ислоҳ қилишнинг, янги жамият қуришнинг шундай босқичига келдики, эндиги асосий вазифа жамиятни эркинлаштириш, фуқароларнинг сиёсий эркинликларини таъминлаш механизмини такомиллаштириш ва шу асосда янги сиёсий маданиятни шакллантиришдир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Республика Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида қилган маърузасида айнан шу масалага эътиборни қаратди.

Жамиятни эркинлаштириш, демократик тамойилларни қарор топтириш жараёни жамиятнинг ривожланганлик даражаси, унда шаклланган сиёсий маданиятнинг турига ва бу жараёнда фуқароларнинг иштирокига боғлиқ эканлиги маълум. Сиёсий маданият — бу сиёсат ёки сиёсий жараён бўлмасдан, маълум миллий-маданий ёки ижтимоий — касбий бирликнинг сиёсат дунёси, сиёсий муносабатлар ва улар амал қилинишининг қонун ҳамда қоидалари тўғрисидаги тасаввурлар мажмуидир. Узоқ йиллар ҳукмронлик қилган тоталитар тузум жамиятда ўзига мос келадиган сиёсий маданият шаклини ўрнатди. Бу сиёсий маданият шаклида жамият ўзининг плюралистик характерини йўқотади ва шахс мавҳум «халқ» деган тушунча билан бирлашиб кетади. Давлат давлат учун, ҳокимият эса ҳукмрон гуруҳларнинг ҳокимиятини сақлаб туриши учунгина хизмат қилган тузумда кишиларнинг онгига таъсир қилиш, улар дунёқарашини мақсадга мувофиқ шакллантириш бош масалага айланади. Ана шу «гомо-советикус»ни яратиш жараёнида ўзининг алоҳида белгиларига «совет сиёсий маданият» типи шаклланди. Бу сиёсий маданиятнинг алоҳида белгиларидан бири воқеа ва ҳодисаларга мантиқийлик нуқтаи назаридан эмас, тузум учун, ғоя учун фойдалилик ва фойдасизлик нуқтаи назаридан баҳо беришдир. Бу сиёсий маданият тўлиқ шаклланганда жамиятнинг қадриятлар тизимида ўзгариш юз беради: рост ва ёлғон, яхшилик ва ёмонлик каби тушунчалар ўзининг асл моҳиятини йўқотиб, минг йиллар давомида шаклланиб келган миллий маданият, аҳлоқ коммунистик тарозида қайта ўлчанади, баҳоланади. Албатта, тоталитаризмнинг бундай асоратларидан бир кун ёки бир йилда қутулиб бўлмайди. Бундан ташқари, маълум ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий асосга эга бўлмай туриб инқилобий йўл билан бу иллатлардан қутулишга ҳаракат қилиш, инқилобий йўл билан жамиятни эркинлаштириш кўпчилик ҳолларда ижтимоий бўҳронларга, сиёсий, миллий можароларга олиб келиши муқаррар. Шунинг учун республикамиз раҳбарияти тоталитаризмдан эркин жамиятга ўтиш шароити учун энг тўғри йўл — босқичма-босқич ўтиш йўлини танлади.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган кейинги сайловлар бир томондан, сиёсий маданиятнинг либерал-демократик типи шаклланиши учун етарли имкониятлар мавжудлигини кўрсатса, иккинчи томондан, сиёсий партиялар дастурларида «умумийлик» ва «мавҳумлик» аломатларининг борлиги, баъзи ҳолларда сиёсий ориентациянинг ноаниқлиги бу партиялар ўртасидаги курашнинг суст бўлишлигини белгилаб беради. Бу жамиятимизда шаклланаётган ижтимоий қатламлар ўртасида сиёсий плюрализм кенгайиб бораётган бир пайтда шу қатламлар манфаатлари ва сиёсий қарашларини ифода этувчи реал сиёсий кучлар суст шаклланаётганлигидан далолат беради. Аслида сиёсий маданият ҳар беш йилда бир марта буладиган сайловларда ёки сиёсий партиялар фаолиятидагина намоён бўлмайди. Фуқаролар сиёсий фаоллигининг бошқа турлари ҳам кўп. Сиёсий маданиятнинг либерал-демократик типини ташкил қилувчи марказий ғоя — давлатга қарашли бўлмаган, нодавлат ташкилотлар, ташаббуслар, ҳаракатлар тизими бўлган фуқаролик жамияти. Айнан фуқаролик жамияти шахснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиш тизимини яратиш орқали унинг сиёсий фаоллигини ташкиллаштиради. Сиёсий фаолиятнинг стихияли, ташкиллаштирилмаган ўрнига умумэътироф этилган, қонунлаштирилган шакли келади. Аммо бу жараёнга ҳам тоталитар дунёқарашнинг қолдиқлари таъсир кўрсатиши хавфи борки, бу хавфни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда таъкидлаб ўтди. Бу хавф фуқаролик жамиятининг асосини ташкил қилувчи нодавлат ташкилотларининг бюрократлашуви ва жойларда давлат ҳокимияти ташкилотларининг топшириқларини бажарувчи ёрдамчисига айланиб қолаётганлигидадир. Аслида, Президентимиз таъкидлаганидек, бу нодавлат ташкилотлар Давлат ташкилотлари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатни ўрнатувчи, керак бўлса давлат ташкилотини назорат қилувчи, улар олдида фуқаролар манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилотлар бўлмоғи лозим.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида эски тузумдан янгисига ўтиш шароитида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши тарихий шароит тақозаси эди. Бу ҳол ислоҳотларнинг режали олиб борилишини, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш имкониятини яратди. Сиёсий соҳадаги ислоҳотлар, жумладан, фуқаролик жамиятининг ўзагини ташкил қиладиган маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва нодавлат ташкилотлари ҳам давлатнинг ташаббуси билан шакллантирилди. Бу эса ўз-ўзидан маълум вақт улар фаолиятига давлат ташкилотларининг аралашувини лозим қилиб қўйди. Аммо жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат ташкилотлари ва сиёсий ҳаракатлар фуқаролар ташаббуси билан тузилмоғи керак, токи улар маълум ижтимоий гуруҳлар манфаатлари ва сиёсий қарашларини ифода этсинлар. Олий Мажлисга номзодлар кўрсатиш жараёнида тузилган фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари фаолияти жамиятимизда етарли даражада сиёсий маданият шаклланганлигини кўрсатди. Бундан ташқари сайлов жараёни бизда сиёсий маданиятнинг либерал-демократик типи миллий-ҳудудий кўринишда шаклланаётганлиги, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифода этувчи ҳар хил тизимчалар — субмаданиятлар мавжудлигини кўрсатди. Бу албатта Ғарб мамлакатларидаги сингари кескин бўлинган гуруҳлар фаолиятида кўринмасада, сиёсий қарашлар ва манфаатлар фарқ қиладиган ижтимоий қатламлар шаклланаётганлиги маълум бўлиши шарт ҳам эмас. Аммо энг асосийси, шахс шу субмаданият доирасида ўзини ифода этиш имкониятига эга бўлсин.

Энди сиёсий маданиятни шакллантириш воситаларига келсак, асосий ролни сўзсиз оммавий ахборот воситалари ўйнайди. Ғарбнинг илғор демократик мамлакатларида бу жараён ҳали телевидение ва радио оммавийлашмаган, газета ва журналлар эса ижтимоий фикр мониторинги билан шуғулланаётган даврга тўғри келганлиги сабабли сиёсий маданиятни шакллантиришда турли сиёсий клубларнинг роли катта бўлган. Ҳозир шундай ролни оммавий ахборот воситалари ўйнамоғи лозим. Албатта биздаги мавжуд ахборот воситалари ўзларининг асосий вазифалари ижтимоий фикрни шакллантириш эканлигини яхши тушунишади. Аммо, назаримизда мақола, эшиттириш ва телекўрсатувларда одамларни мушоҳадага чорлайдиган баҳс-мунозаралари шаклидан ҳозирча ахборотли-кўргазмали шакл устунлик қилмоқда. Ҳатто турли сиёсий партияларнинг органлари ҳам жиддий сиёсий воқеаларни кўпинча бир хил таҳлил ва талқин қилишмоқда. Албатта, жиддий, сиёсий ва тарихий таҳлиллар билан чиқаётган журналлар бундан мустасно бўлса керак.

Хуллас, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида сиёсий соҳани ислоҳ қилиш орқали жамият қурилишини эркинлаштириш, том маънодаги кўп партиявийликни қарор топтириш, фикрлар хилма-хиллиги ва уларни эркин ифода этиш шароитни таъминлаш бугунги кунда барча фуқароларни, энг аввало зиёлиларни бош вазифаси бўлмоғи лозим. Шундагина эркин демократик жамият қуришнинг янги босқичига кўтарила оламиз.

Курбонали ТОЖИБОЕВ,
М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институти тингловчиси.
Жаҳонгир ЭРГАШЕВ,
Тошкент вилояти давлат педагогика институти ўқитувчиси.

«ЭКСПО - 2000» КЎРГАЗМАСИДА

Шу йилнинг 1 июнидан 10 октябригача ГФРнинг Ганновер шаҳрида «Инсон, табиат, технология» шиори остида ўтадиган халқаро «ЭКСПО-2000» кўргазмасида иштирок этиш учун Ўзбекистоннинг нуфузли вакиллари жўнаб кетди.

Кўргазмага кираверишда улкан экран ўрнатилган бўлиб, унда Ўзбекистон тўғрисидаги мультимедиа дастури лавҳалари — мустақиллик йилномаси, мамлакат тўғрисида қисқача ахборот маълумотлари, ўтмиш воқеалари намойиш этилади. Дастурга кино ва видеолавҳалар, шу жумладан, «Тошкент — Ўзбекистоннинг пойтахти», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: иқтисодиёт ва сармоялар» ҳамда бошқалар киритилган.

Кўргазма асосий залидан ўрин олган тарихий қисмни Ўзбекистонда цивилизациянинг тўғилиши ва давлатчиликнинг вужудга келиши марказлари намойиш этади. «Маънавий мерос» қисми Марказий Осиёда тўғилиб, ўрта асрларда инсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшган олимлар, мутафаккирлар, шоирлар давлат арбобларининг асарлари билан томошабинларни таништиради. Кўргазмага ташриф буюрганлар Ибн Сино, Беруний, Навоий асарлари қўлёзма нусхалари билан танишадилар, Улуғбек расадхонасининг, Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг нусхаларини, турли-туман табиий экспонатларни кўрадилар.

«Этнография», «Экология ва табиатни муҳофаза этиш фаолияти» бўлимлари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиийдир. «XXI аср арафасидаги Ўзбекистон» бўлими соҳавий тамойил асосига қурилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг китоблари, турли-туман каталоглар, бизнес-гайдлар, маълумотнома-йўлкўрсаткичлар махсус адабиётлар стендидан ўрин олган.

«Туркистон-пресс»

Яқун

● «Универсиада—2000»

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Мамлакатимизда илк бор ўтказилган «Универсиада—2000» спорт анжумани ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус совринлари — «Тико» енгил автомобилларининг калитлари топширилди

Гуллар шаҳри Наманган 22—29 май кунлари ҳар қачонгидан ҳам ўзгача чирой очди. Бу ерда илк бор ўтказилган «Универсиада—2000» анжумани ёшларнинг чинакамига спорт, ёшлик ва гўзаллик байрамига айланиб кетди. Эндиликда Универсиада ҳақида, унга кўрилган алоҳида тайёргарлик тўғрисида, ташкилотларинниг яратган беқиёс шарт-шароитлари ва бошқа барча қулайликлар хусусида ҳар бир киши тўлқинланиб гапирмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Соғлом авлод йилида шаҳсан Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан бошланган мазкур беқиёс тадбир Ўзбекистондек келажаги буюк давлатнинг яна бир имкониятини юзага чиқаради. Республикамиздаги олийгоҳларда таълим олиб эртанги кунимизнинг етук мутахассислари бўлиб етишиш иштиёқида ёнаётган минг-минглаб йигит-қизлар ўзларининг ҳаётларини спортсиз, унинг инсонга берадиган чексиз қувончларисиз тасаввур эта олмасликларини ҳам намойиш этдилар. Президентимизнинг «Универсиада—2000» спорт анжумани қатнашчиларига йўллаган табриги уларнинг қайноқ ва кўтаринки кайфиятини янада кўтариб юборди.

Наманган вилояти ва шаҳри маъмурлари шунга мос тарзда ёшларнинг спорт анжуманига катта тайёргарлик кўриб, барча шарт-шароитларни муҳайё айлаганди. Аввало бутун вилоятнинг мазкур тадбирга хос тарзда безатилганлиги анжуман қатнашчилари ва иштирокчиларининг дилига ўзгача завқ-шавқ бағишлади. Бу ердаги беллашувлар ўтказилган мажмуалардаги яратилган шароит эса халқаро талабларга тўла жавоб берарди.

Энг қувонарлиси, ташкилотчиларнинг мусобақаларни юксак савияда ўтказиш учун қилган саъй-ҳаракатларига яраша иштирокчи талабалар ҳам ўзларининг нималарга қодирлигини майдонда маҳорат ила намойиш эта олишди. Ва албатта уларнинг энг эпчиллари, энг чаққонлари, кучлилари биринчи тарихий универсиаданинг ғолибларига — совриндорларига айландилар. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус совринлари — «Тико» енгил автомобилларининг калитлари топширилди. Яъни ўн беш талаба мазкур юксак мукофотга сазовор бўлди.

СУРАТДА: спорт анжумани ғолиби, совриндор, шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, Самарқанд давлат университети талабаси Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ.

Журналист суриштируви

Аёлнинг кўз ёши аралаш аччиқ изтироблари айрим мансабдорларнинг кўнглини юмшатгандек ҳам бўлди. Улар шикоятни тинглаб жабрдийдага ёрдам ваъда қилишди. Аммо «тезда кўриб чиқамиз, шахсан ўз назоратимга олганман...» қабилидаги ваъдалар ҳар гал ваъдалигича қолиб кетаверди. Баъзан нуфузли идоралар раҳбарлари эса очиқданочиқ шикоятчини қувиб чиқаришди. Нега? Оқни қорадан ажратиб, ҳақиқатни қарор топтириш шунчалик мушкулми? Ўзи асли мансаб ваколати кимга ва нима учун берилган?

БОШГА МУСИБАТ ТУШГАНДА...

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва «Адолат» газетаси аралашувидан сўнг фуқаронинг уч йиллик изтиробларига чек қўйиладигандек...

Феруза Иноқова қонун идоралари эшигида уч йилдан буён овора бўлишига сабаб борми?

Агар ногаҳонда бахтсизлик рўй бермаганида эди, сўнгсиз изтироб, оворагарчиликларга ҳожат қолмаган бўлар эди. Афсуски, тақдирнинг ўз синоатлари, кутилмаган бурилишлари бор.

Куппа-кундузи Самарқанд шаҳрининг Артём кўчаси 69-уйда рўй берган даҳшатли ёнғин ҳамма нарсани бир зумда ямлаб юборди. Уй жиҳозлари, буюмлар куйиб кул бўлди. Хонадон эгаси Феруза Иноқова беш нафар фарзанди билан кўчада қолди. Вақтинча қўшнилар уларга бошпана беришди. Кийим-бош, озиқ-овқатдан қарашиб туришди. Яхшиларга минг карра раҳмат! Феруза бошига мусибат тушганда ёрдам қўлини чўзган қўшниларни бир умрга унутмайди.

Ўша бахтсизлик рўй берган кундан роппа-роса икки ой ўтиб Самарқанд шаҳар ҳокимининг фармойиши билан (30 апрель 92 рақамли) ёнғиндан зарар кўрган оилага саҳни 40 квадрат метрли 3 хонали янги уй беришди. Сиёб туман ҳокимлигининг 141-қарорига асосан Сартепа мавзесидаги 170-уйнинг 7 хонадони Иноқовлар номига расман биркитиб қўйилди.

Ҳаммаси қонуний! Инсонпарвар жамиятда ёрдамга муҳтож фуқаро ҳеч қачон қулфат чангалига ташлаб қўйилмайди. Шундайликка шундайку-я, бироқ...

Орадан бир йил ўтар-ўтмас Феруза Иноқова иккинчи кулфатга йўлиқди. Йўлда уни ва ўн тўққиз ёшли қизи Дилфузани машина уриб кетди. Дилфуза ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлди. Она эса қаттиқ шикастланиб касалхонага тушди. Москвадаги, Тошкентдаги клиникаларда узоқ вақт даволанишга тўғри келди. Тўрт йиллик муолажалардан сўнг уйига қайтган Ферузани қисматнинг янги «ҳазили» кутиб турарди. Қаранг-чи, ёнғиндан зарар кўрган оилага берилган Сартепа мавзесидаги квартирага янги эга чиқиб қолди. Буниси ҳам қонуний! Яъни фуқаро Маҳмуд Набиев Боғишамол туман ҳокимлигининг 1997 йил 24 декабридаги 88-рақамли ордери билан уйни ўзиники қилиб олди. Иноқовага тегишли жиҳозлар аралаш-қуралаш ҳолича машинага ортилиб, номаълум жойга элтиб ташланди. Квартиранинг ёғоч эшиги синдирилиб, ўрнига темирдан ясалгани ўрнатилди.

Фақат орадан иккки кун ўтиб воқеадан хабар топган Иновоқа бу манзарани кўриб ҳуши бошидан учаёзди. Ахир, нега унинг уйини бошқа киши эгаллаб олади? Адолат борми?

Аввал ҳокимият, сунгра ҳуқуқ-тартибот идоралари, суд, прокуратурага югур-югурлар бошланди. Боғишамол туман ҳокимининг уй-жой масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари Аҳмаджон Тўрақулов Ферузани уйига эгаллик ҳуқуқини берувчи ордерни вақтида олмаганликда айблаб, қойиб чиқариб юборди. Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шароф Ҳотамов эса ҳар гал шикоятчини бошқалар қабулига йўллашдан эринмади. Нега битта квартирага эгалик қилиш учун бирйўла икки фуқарога ордер берилгани ва унинг қай бири ҳақиқий эканлигини аниқлашга келганда ҳафсала етишмади?!.

Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, вилоятнинг собиқ прокурори номига ёзилган аризалар ҳам наф бермади. Гўёки кўринмас куч ҳар галги шикоят йўналишини олдиндан билиб, ҳамма ҳаракатларни чиппакка чиқараётгандек. Даъвогар тинимсиз идорама-идора югуради. Аммо юз берган чигалликни аниқлашга ҳеч ким шошилмайди. Ана энди қишнинг қировли, ёғин-сочинли кунларида бошпанасиз кўчама-кўча ҳақиқат излаб юришларни тасаввур қилаверинг. Кимнинг сабри-бардоши чидаркин?

Алқисса иш судгача бориб етди. Салкам бир йил давом этган можароли ишни кўриб чиққан Сиёб туман суди 1998 йил 12 декабрдаги ажрими билан даъвогар Феруза Иноқовага берилган 313-сонли ордерни ва Маҳмуджон Набиевга Боғишамол туман ҳокимлиги берган 88-рақамли ордер ҳамда шу асосда 1998 йил 25 июлда берилгн 19879-сонли уй-жойнинг шахсий мулк сифатида расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи давлат далолатномасини бекор қилди. Ушбу низоли масалани қонун доирасида Самарқанд шаҳар ҳокимияти орқали кўриб чиқиш Сиёб туман ҳокимлиги зиммасига юкланди.

Демак шаҳар ҳокими ўша ордерлик масаласини ижобий ҳал этиши керак. Бироқ вилоят суди раёсати 1999 йил 29 апрелдаги қарори билан Сиёб туман судининг ҳал қилув қарори ва даъвогар Феруза Иноқовага берилган ордерни ҳақиқий эмас деб топиши ҳақидаги ажримини бекор қилди ҳамда ишни қайтадан кўриб чиқиш учун шу туман судига юборди.

Сиёб тумани суди янги таркибида судья М. Шерйигитов раислигида 1999 йил 12 августда мазкур ишни кўриб чиқиб ҳал қилув қарорини чиқарди. Унга кўра даъвогар Феруза Иноқованинг Маҳмуд Набиевга берилган ордерни ҳақиқий эмас деб топиши хусусидаги даъвоси рад этилди. Ва, фуқаро М. Набиевга Сартепа мавзесидаги 170-уйнинг 7-квартирасидан фойдаланиш ҳуқуқини беришлик ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилди.

Ана холос! Бошпанасиз аёл энди қайга борсин? Сиёб туман судьяси Шерйигитов ҳал қилув қарорини чиқаришдан олдин ишга таалуқли ҳолатларни синчиклаб ўргандими?

Журналистик текширув давомида суд қарорининг холислигига шубҳа уйғотувчи кўпгина ҳолатларга дуч келинди.

Биринчидан, судья низони Набиев фойдасига ҳал этишдан олдин Сартепадаги 170-уйнинг 7-хонаси бўш қолганқолмаганлигини, Боғишамол туман ҳокимлигининг бу хонани бошқа кишига бериш ҳақидаги қарори қанчалик асосли эканлигини аниқлаш керак эди. Ахир Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 58-моддасида ордер фақат бўш хоналарга берилиши кўрсатилган-ку! Феруза Иноқова бу уйда 1997 йил 24 декабргача яшаб келганлигини тасдиқловчи ҳамма ҳужжатлар, шу жумладан электр, коммунал хизмат туловлари судга тақдим этилди. Бироқ суд уларни негадир инобатга олмади.

Суд қарорида Феруза Иноқова Эркин Ҳайдаров билан 1986 йил ноябрь ойидан қонуний никоҳ асосида яшаб келган деб кўрсатилган. Аммо эр-хотин 1971 йилдан никоҳ асосида яшаб, фақат 1986 йилда 5 нафар фарзанд билан расман ажралишган. Яъни алоҳида-алоҳида яшашади. Ҳўш суд қароридаги хатолик қаердан пайдо бўлди?

Самарқанд шаҳар ҳокимлигига юборилган сўров хатига олинган жавобга кўра 170-уйнинг 7-хонаси Сиёб туман ҳокимлиги ихтиёрига биркитилгани 1998 йил 12 мартдаги 125-рақамли фармойиш билан тасдиқланган. Бу хат судга илова қилинди. Аммо суд Боғишамол туман ҳокими нега айнан шу уйни ўз ихтиёрига олиб қонуний қарор чиқарганлигини ёки чиқармаганлигини аниқламади.

Суд даъвогар М. Набиев бу низоли уйга кўчиб кириш чоғида хонадаги Иноқовага тегишли жиҳозлар қаёққа олиб кетилгани билан қизиқмади. Нега? Бу уйда ҳеч ким яшамаганлигини тасдиқлаш учунми?

Суд даъвогар Феруза Иноқова талаб қилган гувоҳларнинг ҳаммасини чақириб сўроқ қилмади. Хусусан Боғишамол туман ҳокимининг ўринбосари А. Тўрақуловни судга чақириш ҳақидаги талаб қаноатлантирилмади.

Ва, ниҳоят суд шу каби ишга бирёқлама ёндашувлардан сўнг даъвогар Набиев фойдасига қарор чиқарди. Ачинарлиси, энди вилоят суди коллегияси, раёсати ҳам Сиёб туман суди Шерйигитовнинг ҳал қилув қарорини бир овоздан тасдиқлаб беришди.

Феруза Иноқованинг изтиробли ёзишмалари яна бошланди. Вилоят прокуратурасига, Республика Бош прокурорига... Қойил, ўз фуқаролик ҳуқуқини тиклаш учун ёзавериб сал бўлмаса ҳуқуқшунос бўлаёзди. Керак! Инсон ўз ҳуқуқини билмаса бисотидангина эмас, ҳамма нарсадан ажралиб қолиши мумкин. Ферузанинг фикри шундай. Чунки у бошдан кечирган синовлари давомида кўп марта шунга ишонч ҳосил қилди. У-ку қонун кучига ишонади. Аммо қонунларни билатуриб фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини тан олгиси келмаётган қонуншуносларчи?

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозим. Фуқаро Феруза Иноқованинг даъво аризаси бўйича чиқарилган Сиёб туман судининг қарорини кўриб чиққан Республика Прокуратураси мазкур ишнинг бу тахлитда ҳал этилишига қарши протест киритди.

Энди уч йилдан буён давом этиб келаётган кўнгилсиз можарога адолатли нуқта қўйилар, деган умиддамиз.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Туркум

ЮРТНИ АРДОҚЛАСАНГ, АРДОҚЛАЙДИ ЮРТ

5. МАҲАЛЛА МЕҲРИ

Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир.

Ислом КАРИМОВ

Четдан қаралганда, шаҳардаги оддий кўпқаватли уйлардан бири. Тўрт қаватли уйнинг тўртта йўлагида саккизтадан хонадон жойлашган бўлса, ўттизтадан кўпроқ оила истиқомат қиларкан. Демак, шунча оила битта қувурдан сув ичади, бир қувурдан оқиб келадиган табиий газдан баҳраманд бўлади, битта сим электр нуридан баҳраманд бўлади.

Шунга яраша қувончу ташвишлари ҳам бир. Тўй-ҳашамлари бир-бирисиз ўтмайди. Бирининг оиласида дунёга келган чақалоқ товуши қўни-қўшнилар хонадонига ҳам қувонч улашгандек бўлади. Бешик тўйи барчасига бирдек татийди. Бир болага етти қўшнигина эмас, балки, шу бинода бир оиладек яшаётган барча аҳлирасо кишилар бирдек ота-она ҳисобланади.

Эрта кўклам пишириладиган сумалак ва бошқа таомлар учун дошқозону ўчоқ битта. Иш бошида кўпни кўрган нуронийлар турса, асосий хизматда келинчаклар ҳамда азамат ўғлонлар бел боғлаб туришади.

Уй оқсоқоли Сайфиддин ака Ҳайдаров ибораси билан айтганда: «қўни-қўшнилар бир-бирларининг қандоқ нафас олишларигача яхши биладилар!» Бу кун ўз маҳалласига оқсоқол бўлган истеъфодаги милиция подполковниги ҳаётга тийран боқади. Турмушнинг аччиқ-чучугини, паст-баландини яхши тушунган отахон ҳар бир оила қувончу ташвишига шерик. Ҳаёт юкини бирга тортгиси, аччиқ-чучугини баҳамжиҳат тотгиси келади. Нуронийлар, хизрсифат отаоналар хурматини жойига қўйса, камолот ёшига етаётган ёшлар ҳамда эндигина онги, дунёқараши шаклланиб келаётган ўғил-қизлар тарбияси бир зум бўлса-да у кишининг эътиборидан четда қолмайди.

Албатта, бу уйда истиқомат қилувчилар ҳам оқсоқолдан ҳеч вақт бегонасирашмайди. Қувончу дардларига ҳамиша шерик отахон билан ҳаёт завқини шу тариқа баҳам кўрадилар!..

Собир Раҳимов тумани «Хислат» маҳалласидаги ЎМУ-ТошТУ мавзеси 11-уйда истиқомат қилувчиларга бугунги кунда барча ҳавас билан қарашлари бежиз эмас.

...Бир пайтлари шаҳарлик ошнаоғайнисиникига меҳмонга келишган қишлоқликлар ажиб манзарадан ёқа ушлардилар: битта кўпқаватли уйда яшаётган қўни-қўшнилар наҳот бир-бирини мутлақо танимаса?... Эшикмаэшик, девор-дармиён яшаб, бир-бирини билмаслик, танимаслик, қўни-қўшничилик қилмаслик мумкинми? Деворинг ортидаги қўшнинг қандоқ нафас олаётганини, қанақа яшаб, нима ишлар билан шуғулланаётганини билмасанг-а? Кўздек қўшни бўлатуриб гирт бегоналарча яшаш ҳам ўзига яраша фожеа эмасми? Фақат маънавий жиҳатдан эмас, балки, моҳиятан ҳам фожеа дегинг келади. Турфа фожеаларга ҳам йўл очиб бериши мумкин бундай бегоналик. Ҳамиша қоронғилик ҳукмрон жойда турли ҳашоратлар, қурт-қумурсқалар урчиб кетавергани каби ҳеч қачон қўни-қўшнилар кўзи тушмайдиган, бехабар юрадиган айрим хонадонларда не ҳодисотлар юз бераётганини қаёқдан биласиз? Апоқ-чапоқ бўлиб яшаш қанчалик меҳр уйғотса, бегоналик шунчалик акси бўлади. Қандайдир совуқлик ҳукмрон бўлади бундай кишилар орасида. Гавжум шаҳарларнинг кўпқаватли уйларидаги битта фожеа — қўни-қўшничилик деган гап йўқ эди...

Қишлоқ ёхуд шаҳар ҳудудида қадимдан таркиб топган маҳалла ҳаёти ҳамиша ҳавас қилса арзигулик бўлган. Ундан ҳар қанча андоза олса арзийди. Ҳақиқий ўзбекона яшаш, одамларнинг бир-бирларига Эл бўлишлари қанчалик умр зийнати эканлигини шу гўшаларда аён кўриш мумкин. Тўйу маъракаси бир, қувончу ташвиши ўртада, бир-бирига таянч, ҳассакаш, керак бўлса — тобуткаш... Маҳаллада бирор кимса ночорликдан ё очликдан хор бўлиб кетмаган!.. Бирор ёлғиз кимсанинг мурдаси қолиб кетмаган... Бу ерда ҳамма эл, бири-бирига бел!

Хўш, шундай ажойиб турмуш тарзини наҳот гавжум шаҳардаги кўпқаватли уйларда вужудга келтиришнинг имкони бўлмаса?

Тўғри, собиқ «совет замони»да бунинг имкони йўқ эди. Маҳалла ҳақида гапирсанг, «маҳаллийчилик» бўлиб эшитиларди ўша давр тўралари қулоғига. «Маҳаллийчилик — миллатчиликдан баттар...» деган «шиор» қолганди шўролар «доҳийси»дан. Хуллас, элимиз қанотлари қайрилган замонда қадрият, ўзлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Юртимиз истиқлолга эришгач, кўпқаватли уйлардаги бегоналик ҳисси барҳам топди. Ўша «арзимас»дек туюладиган «турмуш тарзи»га чек қўйилди!..

Юртбошимизнинг «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармоннинг илк жумласидаёқ инсон қалбида юртга, маҳаллага, қўни-қўшниларга чексиз меҳр-муҳаббат туйғуларини жўш урдирувчи сўзлар битилганди: «Тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республиканинг маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида...» Ана сизга ўзликни ўзингизга қайтарувчи, қадриятингиз қадрини тиклагувчи улуғ мақсад!

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

Ўзбекистон мустақиллигининг улуғвор мақсадларидан бири бу!

Ўзини ўнглаб олган юртда ўзликни англаш эҳтимол шундан бошлангандир!

Ватан нафақат ўз хонадонинг остонасидан, балки — маҳалладан бошланиши эътироф этилди.

Маҳалланг — ота-онанг, деган ҳикматомуз фикрлар ҳаётий мазмунига эга бўла бошлади.

Маҳалла — ватан ичра Ватан деган ном олди!

Бундай улуғвор саъй-ҳаракатлар бошлангач, қишлоқ, қўрғон типидаги маҳаллаларда амалга оширилган эзгу ишлар, ташаббуслар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Муҳими, юзлаб, минглаб осмонўпар иморатларда ҳам ўзгача ҳаёт тарзи бошланди. «Осмоний» кайфият ўрнини рўйи заминда пайдо бўладиган инсоний муносабатлар эгаллади. Кўпқаватли уйларда ҳам ташкил топган маҳаллалар ўзлигини намоён этди. Қўни-қўшничилик, меҳр-оқибат ришталари равнақ топа бошлади. Бундай жойлар манзили қандайдир ҳарф, рақам ё кўча номи билан аталмасдан, ҳақиқий маҳалла номи билан юритила бошланди.

— Инсон асли меҳрдан яралган экан, меҳр кўзда деган гап ҳам бежиз айтилмаган, — дейди Сайфиддин ака. — Ҳаётда неки қувончли гап бор экан, унинг таг-замида одамлар меҳри ётади. Минг қатла шукр, мустақиллик биз учун ана шу меҳр сарчашмасидан баҳраманд яшаш имконини берди. Чорак аср Ички ишлар соҳасида хизмат қилиб, бу бахтимиз қанчалик лазиз эканини дилдан англаганман...

Тиниб-тинчимас оқсоқол уй атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам бош-қош. Айрим муаммоларни ҳал этиш учун ҳашар уюштиради. Анча вақтдан бўён уй ертўласида тўпланиб ётган балчиқли сувни ҳашар йўли билан батамом тозалаб қўйишди. Бундай эзгу ишларда оқсоқолга ҳамиша елкадош бўладиган Тошпўлат Исмоилов, Жаҳонгир Бозорбоев, Файзулла Ҳайдаров, Кенжабой Юсуфжонов, Матлуба Алиева, Клара Исмоилова, Маҳбуба ва Озодахон Алимова, Гули Зариповалар маҳаллада ҳамиша қувончли кунлар ҳукм суриши учун қайғурадилар.

Ҳа, маҳалланинг меҳри ўзгача. Биргина шу кўпқаватли уйдаги манзарани кузатарканман, севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ушбу сатрлари ёдимга тушди:

Инсон билан тирикдир
инсон,
Муҳаббатдан ҳаётнинг боши.
Одамзодга бахш этади жон,
Одамларнинг меҳр қуёши.

Тўлқин ЭШБЕК.

● *Кеча республикамизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланди*

ОЛАМ КУЛАДИ

(Қатра)

Мана, олам тонг қўйнида гўдакдай майин жилмаяди. Унинг сарин ҳаёллари болалар ниятидай пок ва беғубор, тиниқ...

Тонг шамоли боғма-боғ кезиб, чаманлардан муаттар гуллар ифорини таратади. Дил она заминга меҳр, яшашга завқ туйғулари билан тўлиб-тошади.

Ҳиёбондан болаларнинг яна шўх-шодон овозлари эшитилади. Боғларни уйғотувчи, дилда меҳр-ҳавас қўзғатувчи шўх кулгулар... Қийқириқ-қўшиқлар осмон бўйлаб жаранглайди. Чаманларда ғунчалар жилмаяди, олам жонланади.

Болалар кулганда олам кулади. Кулиб, ёшлигини кўз-кўзлайди

Эй болалар,
Шўх кулгунгиз,
Офтобдай сочар зиё.
Сиз кулсангиз, чекинажак
Ер юзида қайғулар.
Сиз кулсангиз, кулажакдир,
Порлоқ, умид, юлдузлар!

Рауф ТОЛИБ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида идоралараро Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди. Унда ўғрилик, босқинчилик ва талончилик билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ташкил этилиши ҳамда бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш, тергов қилиш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш борасидаги прокурорлик назоратининг аҳволи юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар томонидан бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганига қарамай, ўтган 1999 йилда ва жорий йилнинг биринчи чорағида мамлакатда умумий жиноятчилик ҳамда унинг ўғрилик, талончилик ва босқинчилик каби турларининг пасаймаётгани таъкидланди. Бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, хусусан, жиноят ишларини ўз вақтида очишда изчиллик билан иш тутиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш, тергов қилиш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш йўллари белгиланди.

«Адолат»га жавоб берадилар

«УЧСИЗ КАЛАВА ЎЙИНИ»

(«Адолат» газетаси, 2000 йил 11 январь №15)

«Адолат» газетаси ушбу сонида юқоридаги сарлавҳа остида таниқли адиб Иброҳим Раҳимнинг танқидий мақоласи эълон қилиниб, унда айрим мансабдор шахслар бир масала хусусида Нуроний ногирон Раҳмонали Машрабовни сарсон-саргардон қилаётганлиги тўғрисида айтилган эди. Ушбу мақола юзасидан қуйидаги жавобни олдик.

«Адолат» газетасида чоп этилган «Учсиз калава ўйини» номли мақолада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2000 йил 11 январдаги ҳукми, ушбу ҳукмни ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2000 йил 14 апрель кунидаги ажрими билан Р. Юлдошев ЎзР ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан (қалбаки ҳужжатдан фойдаланиш) айбли деб топилиб, ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат фойдасига ундирган ҳолда 2 йилга аҳлоқ тузатиш ишига жалб қилинган.

Суд ҳукмига кўра, фуқаро Р. Юлдошев Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Навбаҳор» кичик корхонасига қарашли енгил автомашиналарни таъмирлаш устахонасида автослесарь бўлиб ишлаб, 1998 йил 4 июль куни Р. Машрабовнинг ўғлига тегишли бўлган «ВАЗ-2107» русумли давлат рақами Х 35-56 ТН автомашинасини таъмирлаш учун олиб қолиб. Р. Машрабовни рухсатисиз, бирон-бир ҳужжатсиз бошқариб, 1998 йил 20 июль куни Юнусобод тумани, Наманган кўчасидаги дарахтга уриб, автомашинага шикаст етказган.

Шундан сўнг Р. Юлдошев автомашина эгаси Р. Машрабовдан бу ҳолатни яшириш мақсадида, 1998 йил 20 июль куни Тошкент шаҳар ТИИБ ДАНБ қидирув инспектори Ш. Сиёевнинг олдига бориб, унга урилган автомашина ўзиники эканлигини айтиб, уни алдаб, Р. Машрабовга тегишли автомашинани таъмирлаш учун рухсат берувчи маълумотнома ёздириб олиб, ундан фойдаланиб, автомашинани таъмирлаганликда айбланиб судланган.

Р. Юлдошевни айби ўзининг айбига иқрор бўлиб берган кўргазмаларидан ташқари жабрланувчи Р. Машрабов, гувоҳлар Ш. Машрабов, Ш. Сиёев, М. Дусматовларнинг кўргазмалари, юзлаштириш баённомалари ва ишдаги тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган.

Р. Юлдошевни жиноий ҳаракатлари тўғри малакаланган, жазо енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини инобатга олган ҳолда қонун доирасида тайинланган.

Мақолада баён этилган суднинг ҳукмида Р. Машрабовга етказилган зарарни ундириш масаласи ҳал қилинмаганлиги, уни аризасини ҳал қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари сансолорликка йўл қўйганликлари ҳақидаги ҳолатлар текширилганда, тасдиқланди.

Р. Машрабовга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролар тартибида яшаб турган ҳудудий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилди.

Унинг аризасини текширишда сансолорликка йўл қўйган прокурор ва тергов ходимлари Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари ҳузуридаги тезкор мажлисда муҳокама қилиниб, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик ҳақида қаттиқ огоҳлантирилганлар.

Р. Юлдошевга автомашинани таъмирлаш учун қалбаки маълумотнома берган Тошкент шаҳар ИИБ Давлат автомобиль назорат бошқармаси қидирув инспектори Ш. Сиёев қилмишига кўра жиноий жавобгарликка тортилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрель кунидаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 8-моддасига асосан унга нисбатан жиноят иши ҳаракатдан тугатилган.

Ушбу жиноят иши бўйича чиқарилган қарорлар билан Республика прокуратураси келишди.

Б. ТОЙЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

Таҳririятсиз хат

«АДОЛАТ ИСТАЙМАН»

Таҳririятга кунига кўплаб хат-хабарлар келади. Одамлар ташриф буюришади. Уларни таҳлил қиладиган бўлсак, мактублардаги аризаларда, ҳузуримизга келган шикоятчиларнинг кўплари судларнинг қарор ва ҳукмларидан норозилик баён этишган.

Биз бу билан одил судловга шубҳа билдирмоқчи эмасмиз. Билимли, тажрибали, оқ-қорани яхши ажратиб оладиган салоҳияти судьялар жуда кўп. Аммо шундайлар ҳам борки, кимларнингдир тақдирини ҳал этишда аҳамиятли далиллар, исботлар, ҳужжатларга етарли эътибор беришмайди.

Натижада улар чиқарган ҳукм ва қарорлардан норози бўлган одамлар турли ташкилотлардан ҳақиқат излайдилар. Қуйидаги хат фикримизнинг далилидир.

«Мен Ялғашева Мардигул, 5 фарзанднинг онасиман. Катта қизимни турмушга чиқарганман. Ўғилларимдан қаттаси 15 ёшда. Туғма ногирон. Қолган фарзандларим ҳам мактабда ўқийди, балоғат ёшига етмаган. Самарқанд вилояти Қўшработ тумани «Фозилжон» ижара хўжалигига қарашли Саврак қишлоғида яшаймиз.

Мен бу маълумотларни шу учун айтаяпманки, турмуш ўртоғим Ялғашев Файзулла шу кунларда озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддатини ўтамоқда. Мен фарзандларимнинг онаси сифатида айтишим лозимики, унга берилган қамоқ жазоси нотўғри бўлган деган фикрдаман.

Маълум бўлишича, 1999 йилнинг охирларида Ялғашев Файзуллани Қўшработ туман ички ишлар бўлими ходимлари от ўғирлашда айблаб, олиб кетишди ва 2000 йил 7 февралда Қўшработ туман халқ суди томонидан 3 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этишди. Аслида воқеа бундай бўлган эди:

Қўшработ туман «Фозилжон» ижара хўжалигидаги Гулханасой қишлоғида яшовчи Аслиддин Кенжаев, Рашид Абдуллаевлар, Пардабой Утабов деган кишининг отини ўғирлаганликда айбланиб қўлга олинган. Улар туман ички ишлар бўлимида айбни бўйниларига олган ҳолда бизни бу йўлга бошлаган Файзулла Ялғашев (яъни менинг эримни) деб кўрсатиб кўргазма берганлар.

Шундан сўнг Файзулла Ялғашевни Қўшработ туман ички ишлар бўлимидан келиб олиб кетишди. Бу ерда унга ўғирликка шериклик айбини бўйнига қўймоқчи бўлганлар. Аммо эрим айбини бўйнига олмайди. Лекин барибир уни ва жиноятга шериклик айби билан Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 169-моддаси 2-қисми «б» ва «в» бандлари қўлланилган ҳолда суд қилиниб, 3 йилу 6 ойлик муддат билан озодликдан маҳрум этилди.

Мен ушбу жазони адолатли бўлмаган, деб ҳисоблайман. Сабаби, Аслиддин Кенжаев, Рашид Абдуллаевлар ҳам тазйиқ остида Файзулла Ялғашев бизга йўл кўрсатган, деган гапни айтишга мажбур бўлганлар. Энди адолат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, биринчидан Файзулла Ялғашев ўша от ўғирлашда умуман иштирок этмаган. Демак, унинг ҳатти-ҳаракатларида аниқ жиноий асос йўқ. Иккинчидан мабодо отни ўғирланган деб айтган тақдирда ҳам 18 ёшга тўлган оқ-қорани танийдиган йигитлар унинг айтганини қилавериши керакмиди? Ахир уларни ҳеч ким мажбурлаган эмаску?! Учинчидан, кимки жиноят қилган бўлса, ўшалар қилмишлари учун жавоб беришлари керак. Тўртинчидан, юқоридагиларнинг ҳаммаси, яъни Файзулла Ялғашев, Аслиддин Кенжаев, Рашид Абдуллаевлар судда бор гапни айтиб, тазйиқ остида кўргазма берганларини баён этишган.

Энг қизиқ ва ажабланарли томони шундаки, Қўшработ туман халқ судида бу жиноят кўриб чиқилганда Аслиддин Кенжаев, Рашид Абдуллаевлар шартли равишда 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш билан «сийланиб» суд залидан озод этилган. Лекин менинг эрим Файзулла Ялғашев айбсиз айбдор бўлиб, унга нисбатан 3 йилу 6 ой қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилинди.

Кўриниб турибдики, тайинланган жазо Файзулла Ялғашевга нисбатан адолатли қўлланган дейиш қийин. Албатта, ҳар бир ақли расо кишининг ёш ўспиринларни жиноятга бошлаши нотўғри. Аммо Файзулла Ялғашев айнан ўша жиноий ишда иштирок этмаганлиги бор гап. Шундай экан, нега энди у қамоқ жазосини ўташи керак? Ҳурматли юртбошимиз матбуотда радио ва телевидение орқали милиция, прокуратура, суд фақатгина жазоловчи органлар эмас, балки адолатли қонунлар ҳимоячиси, фуқароларни ҳуқуқий томондан қўриқловчи органлар бўлмоғи керак, деб айтганларини эшитганман. Шундай экан, нега ҳуқуқ органлари менинг эрим Файзулла Ялғашевни қамоқ жазосига ҳукм этди? Бундан кўзланган мақсад нима?

Ҳурмат ва эҳтиром билан:
Мардигул ЯЛҒАШЕВА,
Самарқанд вилояти,
Қўшработ тумани,
«Фозилжон» ижара хўжалиги, Саврак қишлоғи.

ТАҲРИРИЯТДАН:
таҳririятда ўша отни ўғирлашда «бевосита иштирок этганлар»нинг, яъни Аслиддин Кенжаев ва Рашид Абдуллаев ҳамда қишлоқ аҳлидан бир қанча кишининг от ўғирлашда Файзулла Ялғашевнинг айби йўқлигини исботловчи ҳужжатлари, тилхатлари мавжуд. Афсуски, ушбу ҳужжатлар судда инобатга олинмаган. Ўйлаймизки, юқори ҳуқуқ-тартибот органлари бу ишга адолатли ойдинлик киритади.

Internet дуне: энг сўнггги янгиликлар

КЛИНТОН МОСКВАГА КЕЛАДИ

● Шу кунларда Европа мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан АҚШ президенти Билл Клинтон шу йилнинг 3 июнь куни Москвада бўлади. Россия ва АҚШ президентлари Владимир Путин билан Билл Клинтон ўртасида бўлажак учрашув кун тартибига кўплаб масалалар киритилган. Оқ уй раҳбари ёрдамчиси Сэмюел Бергер журналистларга шуни маълум қилди, унинг айтишича, бўлиб ўтадиган мулоқотларда Россиядаги иқтисодий ислоҳотлар, қуролларни назорат қилиш, минтақавий муаммолар, жумладан, Корея ярим ороли, Чеченистондаги вазият ва бошқа масалалар муҳокама қилинади. Ушбу сафар давомида Оқ уй раҳбарига АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ҳамроҳлик қилади.

ОЛИЙ СУД БЕРИЯНИ ОҚЛАМАДИ

● Россия Олий суди кўп йиллар НКВДга раҳбарлик қилган ва 1953 йили И. Сталиннинг ўлимидан кейин отиб ташланган Л. Берияни оқламади. Қарорда баён этилишича, Л. Берия ўз халқини қатағон қилганликда айбланади, демак, уни Сталин давридаги қатағон қурбони, деган баҳона билан оқлаб бўлмайди.

Веътнамча сурнай.

Internet дуне: энг сўнггги янгиликлар

ЎзА, «Туркистон-пресс», «Жаҳон» ахборот агентликлари хабар қилади.

САВДО АЛОҚАСИ ЯХШИЛАНАДИ

● АҚШ Конгресси вакиллар палатаси узоқ музокаралардан кейин Хитойга АҚШ ташқи савдосига кўпроқ қулай шароитлар туғдиришга овоз беришди. Кузатувчилар буни Президент Клинтоннинг ғалабаси сифатида таъкидламоқда. Чунки у ХХРни АҚШнинг доимий савдо шериги эканлиги тўғрисидаги қонунни қизғин қўллаб-қувватлаган.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши Америка-Хитой савдо-сотиқ ҳажмининг кескин кўпайишига имкон беради. Муҳбирларнинг хабар беришича, шу кунларда Пекинда Европа Иттифоқи билан икки томонлама битим тузилиб, у Хитойни Бутун жаҳон савдо ташкилоти (БСТ)га киришини тезлаштиради. Хитой ўн тўрт йилдан бўён БСТга аъзо бўлишга ҳаракат қиляпти. АҚШ Конгрессининг Хитойга кўпроқ имкониятлар беришга қарор қилгани ҳам бу йўлдаги жиддий қадамдир.

ФУНТ СТЕРЛИНГНИНГ ҚАДРИ ТУШАДИМИ?

● Фунт стерлингнинг курси кейинги олти йил мобайнида энг паст даражага тушди. Жорий йилда унинг долларга нисбатан пасайиш даражаси 11 фоизни, еврога нисбатан 9 фоизни ташкил этди. Айни пайтда Лондон фонд биржасида бир фунт стерлинг 1,4769 долларга, 1,6372 еврога тенг бўлаётир. Биржа таҳлилчиларининг фикрига кўра, Англия валютаси қадрининг пасайишига Буюк Британия иқтисодиётининг Америка иқтисодиётидан анча орқада қолаётгани сабаб бўляпти.

САМОЛЁТДАГИ ТАЛОНЧИЛИК

● Номаълум жиноятчи Филиппин авиакомпаниясига қарашли йўловчилар ташиш самолётини қўлга олди. Ушбу самолётда 278 нафар йўловчи ва 12 нафар экипаж аъзолари бор эди. Босқинчи самолётни орқага бурриб, Филиппиннинг жанубида жойлашган Давао шаҳрига учишга буйруқ берган. Учувчилар ёнилги етмаслигини баҳона қилиб, бу талабни бажаришдан бош тортишди. Дастлаб босқинчини террорчи деб гумон қилинган. Бироқ кейинроқ бошқа мулоҳаза пайдо бўлди. Босқинчи оддий ўғри бўлиб, унга пул керак экан.

Йўловчилардан пул ва қимматли буюмларни тортиб олгандан сўнг босқинчи самолётдан парашютда сакради. Лекин «қўлбола» парашют очилмасдан ўғри нобуд бўлди. Муҳбирларнинг хабарига кўра, самолёт Манила аэропортига бехатар қўнган. Айрим хабарларга кўра, қўл гранатаси ва тўппонча билан қуролланган жиноятчи, ҳавога ўқ узиб, одамларни ваҳимага солган. Аммо ҳеч кимга зарар етказмаган.

Осойишталик посбонлари

КАСБ АРДОҒИ

Бўй-басти келишган, эгнидаги кийими ўзига бирам ярашиб турган Жамол Аслоновнинг элимиз тинчлигини сақлаш, осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшиб келаётганига ҳам салкам 20 йил бўлди. Бу давр ичида у хизмат вазифасига бўлган беқиёс садоқати ва касбий маҳорати боис ўз соҳасининг ўткир билимдонига айланди.

Не-не жиноятларни очишда фаоллик кўрсатди. Элимизга, юртимизга сидқидилдан хизмат қилди. Албатта бу айтишга осон. Аммо ҳар бир жиноятни очишнинг, жиноят қилган фуқаронинг айбини бўйнига қўйишнинг ўзи бўлмайди. Жиноят билан боғлиқ ҳар бир элемент ва детал сергак милиция ходимининг синчиков нигоҳидан четда қолмайди. Масаланинг моҳиятига чуқур ёндошув, таҳлил, ўз навбатида зукколик талаб этилади. Ўзида бундай сифатларни мужассамлаштирган Жамол Аслоновни ўтган йили раҳбарлар Навоий вилояти Қизилтепа тумани Ички ишлар бўлими «Жиноят-қидирув» бўлинмаси бошлиғи вазифасига муносиб кўришди.

— Сизга омад тилаймиз укам, — дейишди улар янги вазифани қабул қилиб олаётган милиция капитани Жамол Аслоновга.

Бу унинг ишига берилган муносиб баҳо ҳам эди. Қолаверса, янги вазифа Жамол Аслоновнинг зиммасига янги масъулият ҳам юклаганди. Яъни, энди у милициянинг катта бир бўлинмасига раҳбар: ҳам «Жиноят-қидирув» бўлинмасининг фаолиятига, ҳам бўлинмада ишлаётган ходимларнинг ишига жавоб бериши керак.

Қизилтепа туманида жиноятларнинг қайси тури кўпроқ учрайди? Унинг келиб чиқиш сабаблари нимада? Қизилтепа тумани ИИБ «Жиноят-қидирув» бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Жамол Аслонов аввало мана шу масалалага эътиборини қаратди.

— Раҳбариятимиз, яъни, Қизилтепа тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи томонидан жиноятчиликни олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш мақсадида ўтказилган «Тозалаш», «Арсенал», «Тун», «Орият», «Қидирув», «Яхшилик» сингари самарали тадбирлар ўзининг қувончли натижасини бермоқда, — дейди Жамол Аслонов биз билан суҳбатда. — Ўтган йили туманимиз ҳудудида содир этилган жиноятнинг 1998 йилга нисбатан 7 тага камайтирилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. 2000 йилнинг дастлабки уч ойида эса 32 та жиноят содир этилди. У ҳам ўз навбатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тўрттага камайтирилди. Жиноятларни очилиши яхшиланиб, 86,4 фоиздан 94,2 фоизга кўтарилди. Шунинг 20 тасини жиноят-қидирув соҳасида қайд этилган қонунбузарликлар ташкил қилади.

«Жиноят-қидирув» бўлинмаси ходимларининг саъй-ҳаракати билан ўғрилик, фирибгарлик, безорилик сингари жиноятларнинг сони камайиб бормоқда. Ҳар бир жиноятни имкони борича тезкорлик билан очишга эришиш ана шундай қувончли натижаларга йўл очаяпти. Гайрат Тошев, Орзиқул Бўронов, Ҳолиқ Қодиров, Малика Файзиева, Очил Хўжамов сингари фуқароларнинг мол-мулкига нисбатан қилинган тажовуз изсиз кетмади. Қилни қирқ ёрадиган милиция тезкор гуруҳининг саъй-ҳаракати билан меҳнатсиз даромад орттириб, енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганган, ўзгаларнинг мол-мулкини ўғирлаб шоҳона ҳаёт кечираман деб ўйлаган жиноятчилар қўлга олинди. Энди уларнинг ҳар бири бировнинг ризқини ейишга ёки ўзганинг бойлигига кўз олайтиришга берилмайди. Темир панжаралар ортида ҳаётнинг муҳим сабоғини чиқариб олишади.

Қизилтепа тумани ИИБ томонидан ходимларнинг хизмат жанговарлигини ва касбий маҳоратини ошириш мақсадида ибратли ишлар қилинмоқда. Ҳафтанинг ҳар душанба кунида утказилаётган «Маърифат дарслари»да ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда рўй бераётган муҳим воқеалар ўрганилиб борилмоқда. Чоршанба кунида эса ҳамма касбий маҳоратини ошириш дарсларида қатнашаяпти. Жума куни ҳам одатдагидек жисмоний чиниқиш кунига айланиб қолмоқда. Туман милицияси ходимлари спорт майдонларида қизиқарли мусобақалар, беллашувлар ўтказишмоқда. Уз навбатида бу уларнинг меҳнат билан спортнинг ҳамоҳанг тарзда қўшиб олиб боришаётганини кўрсатиб турибди. Жисмонан соғлом, маънан баркамол кишиларнинг эса ишлари доимо бароридан келади.

Албатта жисмоний чиниқиш ва замонавий билимларни муттасил ошириб бориш билан биргаликда Қизилтепа тумани милицияси учун ўзининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жуда муҳим. Бу борада керакли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Қизилтепа тумани ҳокимининг ёрдами билан туман Ички ишлар бўлимига ўзимизнинг мустақил Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган «Нексия» ва «Дамас» автомашиналарининг ажратилгани осойишталик посбонларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

— Умуман туман ҳокими билан Ички ишлар бўлимимиз раҳбариятининг соҳамизни ривожлантиришга бўлган алоҳида эътиборидан мамнунмиз, — дейди Қизилтепа тумани ИИБ «Жиноят-қидирув» бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Жамол Аслонов. — Яратилаётган қулайликлар элимиз, юртимиз тинчлигини муҳофаза этишга, жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилаётганлигидан мамнунмиз. Зеро, ҳар биримиз учун юртимизнинг тинчлигини, халқимизнинг фаровонлигини кўришдан ҳам олий саодат йўқ.

Ҳақ гап: элни ўйлаганни — эл улуғлайди. Касбикорига барака юқади. Ниятлари ижобат бўлиб бораверади. Жамол Аслонов тўрт нафар фарзандининг отаси. Меҳнатларининг роҳатини уларнинг камолида кураётганлигидан жонкуяр милиция капитани доимо мамнун. Қолаверса, ҳар бир инсон фарзандим, болам, чақам деб яшайди. Уларнинг порлоқ келажаги мустақил Ўзбекистонимизнинг истиқболи билан чамбарчас боғланиб кетган. У кунларга етиш ҳар бир ота-она қатори Жамол Аслоновнинг ҳам олий мақсади. Кимнингки, нияти улуғ бўлса Яратган Эгамнинг ўзи унга йўл очаверади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
Фазлиддин РУСТАМОВ,
«Адолат»
мухбирлари.

Жиноят ва жазо

БОСҚИНЧИЛАР

ёки уюшган жиноий гуруҳнинг қилмишлари ва аччиқ қисмати ҳақида

(Давоми. Боши ўтган сонда).

«СОКОЛОВ»НИНГ ЎЛДИРИЛИШИ

Имонсиз одамнинг ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайди. Жиноий тўданинг Тошпўлатовлар хонадонидан ўмарилган шунча бойлик шимларининг ҳар икки ёнидаги чўнтакларини гўё бир пайтлар кийилган гилифе шимларига ўхшатиб қаппайтириб юборса ҳам ўпқонга айланган нафслари учун урвоқча бўлмади.

Гуруҳ бошлиғи Ўткир Турсунов бировларни талаш ҳисобига топган пулини маишату айш-ишратга сарфлашни хуш кўрар эди. Айниқса у ёз кунларида пиво деса ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр эди. Кунларнинг бирида Қорақамиш — 1/3 даҳасидаги «Пивной бар»да маза қилиб пиво ичиб ўтирганида Коля исмли ашаддий пивохўр билан танишиб қолади. Шу кундан бошлаб тез-тез шу пивохонада учрашиб турадиган бўлишади. Бир куни пиво ичиб ўтиришса Валя исмли аёл келиб уйини ижарага қўймоқчи, ўзи Россияга кетмоқчилигини айтади. Маишатни хуш кўрувчи Ўткирга унинг гапи мойдек ёқиб қолди. Унинг уйини ижарага олди-да тожикистонлик Мадина исмли аёл билан норасмий эр-хотин бўлиб бирга яшай бошлади.

Ўткир кундуз кунлари шу уйда Мадина билан ишрат қилар, тунлари эса гоҳ ўз уйига кетар, гоҳ «ов»га чиқарди. Кечқурунлари пивохонага кириб эски таниши Коля билан улфатчилик қиларди. Навбатдаги пивохўрлик чоғида Коля унга:

— «Соколов» (асли исми Вадим) лақабли қўшнимдан фоизга қарз олиб тураман. Бу фойдахўр ниҳоятда очкўз. Қарзимни тўлаш муддати келмасиданоқ фоизи билан қайтаришимни талаб қилмоқда, — деб нолиди.

Табиийки, Колянинг фойдахўр ҳақидаги гапи Ўткирни қизиқтириб қолди.

— «Соколов»нинг пули кўпми ўзи?

— Жуда кўп. Доллорни сўмга, сўмни доллорга нақд алмаштириб бераверади.

Худди шу пайт қаршиларига оқ рангли «Жигули» келиб тўхтаб, ундан новча, бақувват киши тушди. Коля уни кўрсатиб мана шу киши «Соколов» эканлигини айтди.

— О.., — деди Ўткир елка қисиб. — Жуда бақувват экан. Иккимизнинг кучимиз етмасов... Лекин барибир уйига кириб топган-тутганини ўмариб чиқамиз!

— Э, нималар деяпсан, оғайни! У менинг қўшним-ку! Уйига кириб талаб чиқсак танилиб қоламан. Йўқ, бу ишни ўзинг, бошқа одамлар билан бажар!

— Бунақа ишларни эплайдиган одамларим кўпу, лекин оввора бўлганимизга яраша «Соколов»никида у-бу бормикан?

— Бор! Ишонмасанг, ўзинг бир синаб кўр.

Икковлари «Соколов»нинг уйига боришга келишишди. Ўткир синов учун 50 АҚШ долларини сўмга алмаштирмоқчи бўлди. Коля эшик қўнғироғини босди. Вадим:

— Коля, сенга бегона одамни менинг уйимга бошлаб келма дегандим-ку! Ҳа, майли, яна қарз керакми?

— Йўқ, мана бу дўстим 50 доллорни сўмга айлантирмоқчи эди!

— Хўп, майли, берақол!

У шундай дея доллар ўрнига бир даста сўмни олиб чиқиб берди.

— Ана, кўрдингми, у нақадар бой, — деди Коля Ўткирга. — Дарҳол шунча сўмни олиб чиқиб берди.

Ўша кундан бошлаб Ўткир, «Соколов»нинг уйини ўмариш режасини туза бошлади. Бахтиёр, Козимитдин ва Рустам билан маслаҳатлашишди. Бироқ бақувват «Соколов»га рўбарў келишдан ҳайиқишди. Шунда Ўткир:

— Буни гумдон қилиш учун «уйинчоқ» (пистолет демоқчи) керак. Акс ҳолда...

— Бўпти, унда бугундан бошлаб «уйинчоқ» қидирамиз!

Пистолетни Рустам топиб Бахтиёрга берди. Бахтиёр Ўткирга топширди. Улар икковлашиб «уйинчоқ»ни синаб кўришди. «Калҳовуз» ариғи қирғоғига бориб «проба»га отиб кўришди. «Жонивор» овоз чиқармай секингина пақ этди қўйди...

Бахтиёр, Козимитдин ва Рустам пичоқлар билан, Ўткир эса «уйинчоқ» ва пичоқ билан қуролланиб «Соколов»нинг уйига йўл олишди. Козимитдин билан Бахтиёр нишонга олинган уй қаршисида қолди. Ўткир билан Рустам эшик қўнғироғини босишди.

— Хўш, яна доллор алмаштиргани келдингларми? — суради Вадим.

— Йўқ, бу гал мол сотгани келдик. Ниҳоятда харидоргир, кўрасизми?

— Унда, уйга киринглар!

«Сотувчи»лар ичкарига киришгач тахминан икки метр масофадан туриб Ўткир ўқ узди. Бироқ гавдали, бақувват Вадим йиқилмади. Аксинча ўқ теккан кўкрагини ушлаб, унга ташланмоқчи бўлди. Ўткир иккинчи бор «уйинчоқ»нинг тепкисини босди. Лекин у отилмади. Шунда Ўткир ёнидан пичоқни олиб рақибининг кўксига 4-5 марта санчди ва шеригини ёрдамга чақирди. Рустам тез етиб келиб «мезбон»нинг орқасидан туриб унга бир неча бор пичоқ урди. Вадим Журавлёв гандираклаганча икки хонанинг ўртасига бориб йиқилди.

Қотиллар унинг ўлган-ўлмаганлигини текшириб кўришгач, кучадаги шерикларини чақиришди. Тўрттовлон мурданинг устига одёл ёпиб қўйишди-да, хоналарни тинтий бошлашди. Аммо 6000 сўм пулдан бўлак ўзларига ёқадиган ҳеч вақо топишолмади. Ноилож уй калитини олиб, эшикни қулфлашдию кучага чиқишди. Йўл-йўлакай қон юққан пичоқларини анҳорга иргитишди-да, «ўлжа»ларини тўртовлон тенг бўлиб олишди. Ўткир ишлатган «уйинчоқ»ни эса Бахтиёр олиб кетди...

«АГАР БИРОВГА АЙТСАНГ...»

Кунларнинг бирида навбатдаги «ов» учун манзил қидириб юрган Турсуновнинг локатор қулоқлари Тошкент туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Янгиобод кўчасининг 5-хонадонида яшовчи Асилбек Турумбетовнинг ўзига тўқ яшаши, анчагина жамғармаси борлиги ҳақидаги хабарни эшитиб қолдию, гўё минг йилдан бери излаб юрган қиммат баҳо нарсасини топгандек қувониб кетди. У шу кундан бошлаб Асилбек хонадонининг атрофида ўрмалашиб қолди. Гўё парвонадек уй атрофини айланиб, унинг ичига қандай қилиб кириб, бойликларини ўмариш йўлини қидирди. Хонадон аъзоларининг неча кишидан иборатлиги, уларнинг юриш-туришлари, қай пайтларда уйқуга ётиб, қачон уйғонишлари каби ҳамма-ҳамма ҳолатларни ўргангач Б. Раҳматуллаев, А. Холиқов, ва К. Олимжоновларни йиғиб ўзаро маслаҳатлашиб, мўлжалдаги хонадонни талаш режасини тузишди. Улар бу галги талончиликлари учун қулай фурсат деб тунги соат бир-иккини танлашди.

Белгиланган куни худди шу вақтда Турсунов Бахтиёр ва Комил билан пичоқ, болта, газ пистолети, темир труба ва дубинкалар билан қуролланган ҳолда Акмалнинг автомашинасида Янгиобод кўчасига келишади. Бу гал ҳам одатдагидек Акмални ўз машинасида кўча бошида пойлоқчиликка қолдириб, ўзлари юзларига ниқоб, қўлларига қўлқоп кийиб гуруҳ бошлиғининг йўл кўрсатувчилиги ва раҳбарлигида Турумбетовнинг уйига келишади. Режага кўра девор ўрнига тўсилган сим тўрни очиб, ҳовлига кирадилар-да уй эшигини бузиб писиб ичкарига сирпанадилар.

Акмал хонадон соҳибининг қизи Макбал ухлаб ётган хонага кириб, тинтиб чиқади. Кейин меҳмонхонани изғийди. Унинг ва бошқа хоналарда «разведка» қилиб юрган ўғриларнинг шарпасидан Турумбетов уйғониб кетиб:

— Кимсизлар, бу ерда нима қилиб юрибсизлар? — дейди.

— Овозингни ўчир, галварс!

Б. Раҳматуллаев шундай дея қўлидаги темир қувур билан Асилбековнинг оёғига уриб йиқитади. Шу пайт талончиларнинг ҳаммалари бирлашиб Турумбетовнинг ва унинг турмуш ўртоғи Туйғунойнинг оёқ-қўлларини ўз уйларидаги радио ва телевизор шнурлари билан боғлаб ташлашади. Кейин қийновга ўтишади:

— То пул, доллар ва тиллаларингни топиб бермагунларингча азоблайверамиз!..

Золимлар етказган жароҳатлар азобига чидолмаган Турумбетовнинг пешона тери тўкиб топиб йиққанларининг қаердалигини айтиб беришдан бошқа иложи қолмайди. Талончи-босқинчилар искович итдек хонама хона изғиб стол устида турган юз АҚШ доллари, бир дона ёдгорлик, ва бир дона рўзғор пичоғи (қиймати 700 сўм) болалар ётоқхонаси деразасида турган нархи 1000 сўмлик эркаклар қўл соати, эр-хотин ётоқхонаси бурчагида сақланаётган сумкадаги 120000 сўм пулни олдилар. Кейин бошқа қўлга илинадиган ҳеч вақо йўқлигига ишонч ҳосил қилиб чиқиб кетадилар. Албатта кетар чоғларида хонадон эгаларининг қулоғига «Милицияга хабар қилсанглар ҳаммаларингни ўлдириб кетамиз, уйингга ўт қўямиз» деган ваҳимали дўқ-пўписаларини қиладилар.

Лекин улар бу галги «ов»ларидан қониқмайдилар. Негаки Турумбетовлар хонадонидан бор-йўғи 134.000 сўмлик молмулк ўмарган эдилар холос-да! Кўпга ўрганган босқинчилар бу бойликни назар-писанд қилмайдилар.

— Майли, — дейишди улар, — камини бошқа хонадон ҳисобига тўлдирамиз!

— Унинг манзилини мен биламан, — деб сайрай кетди Комил Олимжонов. — Шу тумандаги Кўксарой қўрғонида яшовчи Зоҳиджон Зуфаров яқин-атрофдаги бойваччалардан!

Комилнинг таклифи Ўткирга маъқул келди. Ғаротчилар шу кундан бошлаб Зоҳиджонлар хонадонини ўмариш учун «разведка» ишларини йўлга қўйишди. Тўплаган маълумотларига кўра улар хонадон бошлиғини ўлдиришга қарор қилишди.

Улар бу гал ҳам Ўткир Турсуновнинг уйи олдида йиғилишди. Бошлиқ ҳаммаларига алоҳида-алоҳида топшириқ бериб, ўзи бетоблиги учун боролмаслигини айтди. Кейин урнига ўринбосари Бахтиёр Раҳматуллаев раҳбарлик қилиши лозимлигини уқтириб, «олу-олдирмаларинг» дея уларга «оқ йўл» тилади. Шундай қилиб бошлиқдан «оқ фотиҳа»ни олган Комил, Фахриддин, Козимитдин ва Жамшидлардан иборат гуруҳ Бахтиёр Раҳматуллаев бошчилигида Акмалнинг «Жигули»сида қалтис «ов»га жўнашди. «Нишон»га тахминан 500 метрлар чамаси қолганида машинадан тушишди-да, шу ерда Фахриддинни пойлоқчиликка қолдиришди. Тахминан соат тунги 24 ларда темир булаги билан қуролланган Бахтиёрнинг топшириғига мувофиқ юзларига спорт шапкасидан тикилган ниқобларини кийишди. Акмал дубинка ва электрошокни, Козимитдин пичоқни қўйнига тиқди. Ҳаммалари одатдагидек воқеа жойида бармоқ излари тушиб қолмаслиги учун қўлқопларини кийиб, бедазор оралаб Зоҳиджоннинг дарвозаси олдидаги ертула туйнуги орқали уйига бостириб киришди. Қарашса Зуфаров ухлаб ётибди! Бахтиёр қўлидаги темир булаги билан унинг бошини мўлжалга олди. Бироқ Зуфаров уйғониб кетиб, ўзини ҳимоя қилишга улгурди. Натижада бошига мўлжалланган темир унинг чап билагига зарб билан урилди. Буни кўрган Козимитдин дарҳол бошлиғига ёрдамга етиб келиб, жабрдийданинг кўкрак қафасига бирин-кетин тўрт бор пичоқ санчди. Бу ҳам етмаганидек Акмал ҳам етиб келиб дубинкани ишга солди. Кейин электрошокни елкасига босиб ҳушидан кетказди. Комил ва Жамшид эса хонадондаги болаларнинг ва уларнинг оналари Дилоромнинг қўл-оёқларини, оғизларини скотч билан беркитишиб, боғлаб ташлашди. Бечора болалар на оёқ-қўлларини қимирлатишолмас, на оғизларини очишолмасди! Қўрқувдан бутун вужудлари дир-дир титрар, бироқ лоақал додлай олмай, йиғлардилар. Бу даҳшатли манзарадан ҳатто туннинг бағри қоронғулашиб кетди. Бироқ босқинчиларнинг парвойи палак! Уларнинг юраклари тош! Кўзлари бойлик, мол-мулкдан бошқа нарсани кўрмасди. Ваҳшийлар бутун бир оилани ширин уйқудан уйғотиб, шу куйга солиб қўйиб, хоналарни тинтиб катта миқдордаги бойликларни қўлга киритишса ҳам хонадон эгаларидан яна молмулк, пул топиб беришни талаб қилиб, уларни қийнашди, жароҳатлашди.

Айниқса оила бошлиғи Зуфаровни уриб қонга белашди, дўқ-пўписа қилишди:

— Қани қолган пуллар қаерда? Топиб бер! Агар яхшиликча топиб бермасанг қизларингни олиб кетиб номусини булғаймиз! Билиб қўй бунақа ишлар бизга чўт эмас!

Шу лаҳзаларда бечора ота-она фарзандлари саломатлиги, қизларининг иффати учун пул у ёқда турсин жонларини ҳам беришга рози эдилар. Лекин начора! Бошқа пуллари бўлмагач, нимани топиб беришарди!

Золимлар хонадонни талаб шип-шийдон қилганлари, уларда чиндан ҳам бошқа йўл йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан кейин қўллари боғланган барча оила аъзоларининг устиларига гилам ва кўрпа-кўрпачаларни ташлаб, оғизларига скотч (ёпишғич) ёпиштириб сўнгги шартларини қўйишди:

— Агар милицияга сотсанглар ё бировга оғизларингдан гуллаб қўйсанглар билиб қўйларинг, бошларинг кетади!

Шундай қилиб босқинчиларнинг бу хонадондан ҳам қораси ўчди. Аммо улар бегуноҳ бу инсонларнинг қалби тонг каби мусаффо, беғубор қизларнинг дилларига солган даҳшат ва кўрқув бир умрга ўз асоратини қолдириши шубҳасиз.

ЖИНОЯТНИНГ ИЛДИЗИ НИМАДА?

Ҳеч ишонгинг келмайди кишининг. Наҳотки, таъбир жоиз бўлса, тоғни бир уриб талқон қилишга қодир йигитларнинг куни шунга қолган бўлса?! Улар Зуфаровларнинг маъсума қизлари Умиданинг қулоғидан зирагини юлиб олишга, унинг кўз олдида мунис онаизорию муҳтарам падари бузрукворини пул, бойлик деб уриб-қийнаб қонга ботиришса?! Бу жоҳиллик, бағритошлик очкўзлик уларда қаёқдан пайдо бўлган? Ахир, уларнинг ҳам худди шу Умидани оқ ювиб оқ кийгизган, ҳамиша ҳалол пок бўлишга, ўзгалар ҳақига хиёнат қилмасликка ўргатган ота-онаси каби ота-оналари борку! Нега улар фарзандларининг бу қадар ваҳшийлашиб, то инсоний қиёфаларини бутунлай йўқотгунларича бепарво бўлишди? Бу жоҳиллар яшаб турган маҳалла аҳличи! Наҳотки улар ҳам ўз маҳаллаларида шу қадар безбет, беномус, босқинчи-қотиллар яшаб турганлигини сезишмаган бўлишса?! Ахир, улар ҳам бир болага етти маҳалла ота-она дегувчи ўзбек халқига мансубку. Лоқайдлик, бепарволик ҳам эви биланда! Уят, шармандалик!

Беихтиёр ўйлаб қоласан, киши. Яқин-яқингача ҳам ўйларинингтина эмас, ҳатто дўконларининг ҳам эшиклари қулф-калит нелигини билмаган юртимизда бу қадар ёвуз, талончи-қотиллар қаердан пайдо бўлди? Туппа-тузук оилаларнинг фарзандлари бўлмиш мазкур жиноий гуруҳ аъзоларини шу қадар тубанлашиб, инсоний фазилатлар — меҳр-шафқат, ҳурмат ва эҳтиром туйғуларидан нима жудо этди? Фақат бизнинггина эмас, барча муштарийларимизни ўйлантирадиган, чўқур хаёлга толдириб қийнайдиган бу оғриқли саволлар хусусида ҳар ким ўзича мушоҳада юритиб, ўзи жавоб топиши аниқ. Бизнинг фикри ожизимизча эса, бу ваҳшиёна жиноятлар ҳам шўролар ҳукмронлигидаги миллий мафкурасизлик маҳсулидир. Худосиз коммунистлар кишиларимизнинг маълум бир қисмини ўзининг атеистик ғояларига чўқинтириб динсизлик, диёнатсизлик ботқоғига ботириб юборди. Беозорлик, ҳалоллик, меҳр-мурувватлилик, номус ва ориятлик каби миллий қадриятларимиздан, бир сўз билан айтганда, миллий мафкурамиздан жудо этди. Оқибатда юқорида биз қилмишларини баён этган жиноий гуруҳ аъзолари каби фақат ўзининг балойи нафсидан бўлак ҳеч нимани кўрмайдиган манқуртлар тоифалари юзага келди.

Тўғри, улар кўпчиликни ташкил этмайди. Боз устига барчаларининг келажаклари йўқ. Истиқлолимиз туфайли қайта тикланаётган қадриятларимиз, бугунги кунда яратилаётган миллий мафкурамиз, қолаверса ғоят адолатпарвару халқпарвар давлатимиз уларни илдиз-пилдизи билан қўпориб ташлаши аниқ. Ишончимиз комилки, юртимизда ўғри-каззоблар, қотилу-босқинчилар анқонинг уруғига айланадиган кунлар келади. Лекин бунинг учун бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб ниҳоятда одил ва адолатли қонунларимизнинг ҳамма нарсадан устивор бўлишини таъминлашдек улуғ ишга ҳисса қўшиши, ҳамиша ҳар нафасда ҳар бир ишдан огоҳ бўлиши, ҳушёрликни бир дақиқа ҳам қўлдан бермаслиги лозим.

Бизнинг назаримизда Турсунов бошлиқ жиноий гуруҳнинг шунчалик қабоҳатга қўл уриб улгуришига ҳам худди шу ҳушёрликни қўлдан бериб қўйилганлиги, бепарволик, лоқайдлик сабаб бўлган. Агар шундай бўлмаганида мазкур гуруҳ аъзоларининг шубҳали босартусари, бегона маҳаллаларда «разведка» қилиб изғиб юриши, тунлари уйларига келмай сирли ғойиб бўлиши, қолаверса қимматбаҳо буюмларни шахси аниқ фуқароларга сотиб юришига бефарқ қаралармиди? Уларнинг гиёҳвандлик билан шуғулланишларига (жиноятчилардан тинтув чоғида гиёҳванд моддалар топилган) жамоатчилик бефарқ қарармиди?

Бу фикримизнинг исботи учун жиноятчилар эга бўлган қурол-яроқларни кўриб билиб туриб бу ҳақда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига хабар беришдек масъулиятли бурчига хилоф равишда яширилганлиги хусусидаги қўйидаги фактни ҳам келтириб ўтиришни лозим деб ҳисоблаймиз.

Фарруҳ Нурматов ўз уйининг олдидаги кўчада ўтирганида оғайниси Бахтиёр Раҳматуллаев шошилиб келиб оқ рангли бозор сумкасини бериб:

— шу сумка сенда бир-икки кун туриб турсин, — деб ташлаб кетади. Шунда у:

— Бу сумкада нима бор? — деб сўради.

— Темир-терсак, асбоблар бор.

Фарруҳ оғайнисининг бу гапига ишониб сумкани олиб қолади. Уйига кириб очиб кўрса ўша «темир-терсак, асбоблар» дегани 8 та пичоқ, электрошок, 2 дона 5-6 қиррали темирдан ясалган юлдузча, 3 та пистолет ва 14 та жанговар ўқ экан. Пистолетнинг бири овоз пасайтиргичли, иккинчиси газ пистолети, учинчиси Макаров пистолетининг макети!

Шунда ҳам Фарруҳ ўзини алдаб шунча хавфли қуролларни ташлаб кетган «оғайниси»нинг мазкур жиноятини яширади. Ўзи қўлга тушиб қолса бунинг учун қонун олдида жавоб беришидан чўчиб, сумкани ичидаги «темир-терсак ва асбоблар»и билан Ҳамза туманида яшовчи жияни Костяга олиб бориб кўрсатиб, бирма-бир санаб бериб яшириб қўйиш учун топшириб келади. Уйига милиция ходимлари келиб Бахтиёр берган оқ бозор сумкасини сўраганларида ҳам ломмим демайди. Уни ички ишлар вазирлигига олиб келиб «омонат»нинг эгаси Бахтиёр Раҳматуллаев билан юзма-юз қилишганидан кейингина оғзидан гуллайди ва терговчиларни Костянинг уйига бошлаб боради.

Буни қарангки, жияни Костя ҳам шунча қуролни ундан олиб уйида сақлашга журъат топадию, бу ҳақда тегишли идораларга, лоақал ота-онасига айтишга журъат қилолмайди. Буни қандай тушуниш мумкин? Бу жиноятни кўриб кўрмасликка олиш, амалдаги қонунларимизни менсимаслик, жамоатчиликка ҳурматсизлик эмасми? Шундай пайтда лоқайдлик, боқибеғамлик ҳам эви биланда, дегинг келади.

ЕМОҚНИНГ ҚУСМОҒИ БОР

Ниҳоят қора гуруҳнинг қилмишларига яраша жавоб берадиган дамлар келди. Мана, банда аъзолари суднинг қора курсисида ўтириб жавоб бермоқдалар. Улар тўпланган ҳужжатлар, суд экспертизалари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмалари ва бошқа инкор этиб бўлмас исботли далиллар олдида бош эгиб қилмишларига иқрор бўлишдан бошқа чора тополмадилар.

Суд судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда ҳар бирларининг жиноятнинг содир этилишида тутган ролларини, илгари ҳам судланган ёки судланмаганликларини, оилавий аҳволлари ва бошқа салбий ҳамда ижобий томонларини ҳисобга олиб хулоса чиқарди. Гуруҳ бошлиғи Ўткир Турсунов энг олий жазо — ўлимга маҳкум деб топилди. Бахтиёр Раҳматуллаев 20 йилга (шундан 5 йили қамоқда), Козимитдин Шодмонхўжаев 19 йилга (шундан 3 йили қамоқда), Акмал Ҳалилов 18 йилга (шундан 3 йили қамоқда), Комил Олимжонов 18 йилга (шундан 3 йили қамоқда), Жамшид Орипов, Равшан Усмоновлар 17 йилга, Фарруҳ Нурматов, Бахтиёр Аҳмедовлар 10 йилга озодликдан маҳрум этилдилар. Уларнинг ҳаммаси ҳам мазкур жазоларни қаттиқ режимдаги колонияда ўтайдиган бўлишди. Шунингдек, мазкур гуруҳнинг жиноятлари билан боғлиқ ҳаракатлар қилган бошқа қонунбузарлар ҳам қилмишларига яраша «мукофот»ларини олдилар.

Судланувчи У. Турсунов, Б. Раҳматуллаев, К. Шодмонхўжаев ва Р. Усмонов, А. Халилов, Орипов, А. Холиқов, К. Олимжонов ва бошқалардан жабрланувчи Б. Умаров А. Боймирзаев А. Тошпўлатов А. Турумбетов А. Журавлёв, З. Зуфаровларга етказилган моддий зарарлар ундириладиган бўлинди.

Шунингдек, ҳукмдан жиноят қуролларини ҳисобланган К. Олимжонов ва А. Холиқовларга тегишли «Жигули» маркали автомашиналар давлат фойдасига мусодара этилсин деган қисм ҳам жой олди.

Суднинг бу ҳукми ишламай-тишлашни, меҳнатсиз таралла бедод яшашни хом хаёл қилувчи ҳар бир киши учун сабоқ бўлиши керак.

Зеро ҳуқуқий-демократик давлат қураётган бизнинг республикамизда ҳар бир жиноят содир этган киши ким бўлишидан қатъий назар, албатта, қилмишига лойиқ жазоларга мубтало этилади. Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди, деб шунга айтадилар!

Ортиқбой ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бўлим бошлиғи.
Мурод КАЛОНХОН,
«Адолат» мухбири.

Кулги бекатти

— Доктор, эрим ўзини от деб тасаввур қилаяпти. Сули ейди, оёқ-қўлига тақа қоқтиради. Агар унга гапиргудек бўлсам, фақат кишнайди. Сиз уни даволай оласизми, сэр?

— Албатта даволай оламан. Фақат бунинг харажати кўп-да, — мадам.

— Пул бизга пистанинг пўчоғидек гап. Фақат ўтган ҳафтанинг ўзидаёқ эрим пойгада икки марта биринчиликни олди.

* * *

— Ўзини Людовик XIV деб атаган беморнинг аҳволи қалай?

— Анча дуруст. Энди у ўзини Людовик XIII деб атаяпти.

* * *

— Доктор, менинг каравотим тагида тимсоҳ яшайди.

— Сизга шундай туюлаётган бўлиши мумкин. У ерда ҳеч қанақанги тимсоҳ йўқ. Ўзингизни шунга ишонтиришга ҳаракат қилинг.

— Яхши, доктор. Ҳаракат қиламан...

Орадан бир неча кун ўтгач, врач беморнинг хотинига қўнғироқ қилди,

— Турмуш ўртоғингиз ўзини қандай сезаяпти?

— Кеча уни тимсоҳ еб қўйди, — хотиржам жавоб берди аёл.

* * *

Официант:

— Сиз бирор нарса буюрганмидингиз?

— Буюрганим қачонлар эди. Кутавериб сабрим тугади.

— Нима буюрган эдингиз?

— Буни қарангки, сира эслолмаяпман.

* * *

— Бугун врачга учрашиб, хотирам ёмонлигини айтдим.

— Хўш, нима деди у?

— Олдиндан пулини тўлаб қўйинг, деди.

* * *

Профессор талабалар билан палаталарга кириб, беморларни кўрар экан, шогирдларига касалликни тўғри аниқлашга ёрдам берадиган белгилар тўғрисида гапириб берди.

— Масалан, мана бу ерда, — деди у бемор ёнида тўхтаб, — кўкрак қафаси кенгайган беморни кўраяпмиз. Одатда бу ҳол мусиқа асбобларини пуфлаб чалувчиларда кузатилади. Сиз мусиқачимисиз?

— Ҳа, — деди бемор.

— Ана, кўрдингизми, — деди хурсанд бўлиб кетган профессор, — синчков кўзга ҳаммаси маълум. Қанақа мусиқа асбобини чаласиз?

— Барабан чаламан.

* * *

— Сиз мутлақо соғломсиз. Томирингиз бир текисда ва аниқ ураяпти, нақ соатнинг ўзгинаси.

— Бунинг ажабланарли жойи йўқ, доктор! Бир дақиқадан бери қўлингизни соатим устига қўйиб турибсиз-да.

* * *

Ёши ўтинқираб қолган аёл бир танишига деди:

— Менинг ўғлим ҳақиқий жарроҳ: уч юзта операция қилипти-ю, ҳалигача бирон марта қўлини кесиб олмапти-я!

* * *

— Мистер Грин, мен бир нарсага тушуна олмаяпман. Ўзингиз кечаси соат иккигача барда сандиқлаб юрар экансиз, шундай бўлгач, уйқу дорисини ёзиб берганимдан сизга нима фойда?

— Уйқу дорисини менга эмас, хотинимга керак.

* * *

Врач бир аёлнинг тишига пломба қўйиб, уни эшикка кузатиб қўяр экан:

— Энди иложи борича, икки соат оғзингизни очманг, — деди. Коридорда ўтирган бир киши буни эшитди-ю, ўрнидан иргиб туриб, врачга деди:

— Сизга катта раҳмат, доктор! Катта раҳмат!

• Назм

ОТА ЮРТ

Отам, онам яшаб ўтган жойлар бу ер,
Ёзлаб ўтган, қишлаб ўтган жойлар бу ер,
Тиним билмай ишлаб ўтган жойлар бу ер,
Таъзимдаман шундай юртнинг тупроғига,
Қарисига, парисига, ёшроғига!

Бахшилари ўтмишидан тўлиб айтар,
Бойчиборни жанггоҳларга солиб айтар,
Мард йигитлар енгилмайди, ғолиб қайтар,
Қойилманай шундай элнинг широфига,
Бахшисига, яхшисига, зўрроғига!

Баҳор келса талош бўлар кўкламлари,
Ой қизларга сирдош бўлар оқшомлари,
Хизматида Алпомишу Рустамлари,
Харидорман хушрўйига, шўхроғига,
Париларнинг парисига, ёшроғига!

Адирлари танийди-я, кулиб боқар,
Дарёлари қишин-ёзин тўлиб оқар,
Ҳатто иссиқ эпкинлари дилга ёқар,
Бобокуёш нурлар сочар тупроғига,
Шивирлайди майсаларнинг қулоғига!

Шакарқамиш, олма, анор, хурмоси бор,
Сариқ лимон, эрта пишар гилоси бор,
Сўйлайверсам минг бир дардга давоси бор,
Юзин чайса Сунбуланинг булоғига,
Дармон кирар дардмандларнинг оёғига.

Айтаверсам тугамайди достонлари,
Кундан-кунга чирой очар бўстонлари,
Васфин қуйлар бир умрга Усмонлари,
Алёр айтар яйловларнинг ўтлоғига,
Сурув-сурув қўйлари-ю, улоғига!

Отам, онам яшаб ўтган юртдир бу юрт,
Ёзлаб ўтган, қишлаб ўтган юртдир бу юрт,
Тиним билмай ишлаб ўтган юртдир бу юрт,
Мен ҳам тайёр доим аннинг сўроғига,
Кўксимда қўл, таъзимдаман гиёҳига!

Ҳайитали РАҲМОН.

Жаннатмакон ўлкамизнинг дилбандиман, хур қизиман,
Зеболаниб порлаб турган, тўлин ойи, юлдузиман.
Давраларда ҳиром этсам қадамимда гуллар унар,
Шўх-шодонлик тўлиб тошар, кулгу келар, ғамлар сўнар.

• Мозийдан садо

ТИЛЛА ТУГМА – ТОПИЛДИ

Самарқанд вилоятининг Челак туманида археолог қазилмалар олиб бораётган олим, тарих фанлари доктори Муҳаммаджон Исомиддинов ва Франция археология илмий маркази ходими Блод Рапен ажойиб кашфиётнинг гувоҳи бўлишди.

Кўктепа ёдгорлиги ва у билан боғлиқ сиру синоатлар кўпдан буён археологларни қизиқтириб келаётганди. Бу гал улар тепаликнинг энг баланд қисмини қазиб 25-30 ёшли аслзода маликанинг қабрига дуч келишди. Аслзода дейишимизнинг боиси шундаки, марҳума қимматбаҳо уст-бошлари билан дафн этилганди. Биргина унинг қўйлагига 200та олтин тугма қадалган экан.

Дафн чоғида маликанинг ёнига кумуш ойна, кумуш пиёла, жез қозон ҳам қўйилган экан.

Археологларнинг фикрича, аслзода аёл милоддан аввалги 1-милодий 1 асрларда яшаб ўтган ва ўша давр расм-русумлари асосида дафн этилган. Кўктепа ёдгорлигида қўҳна тарихимизнинг яна қандай сирлари яширинганлиги археологларни янги изланишларга ундамоқда.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

• Спорт

ДУНЁ КЕЗАВЕР, КУРАШ

2-4 июнь кунлари кўҳна Самарқанд шаҳрида ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилади. Унда полвонларимиз етти вазн тоифасида гиламда куч синашади.

— Дунёнинг турли чеккаларида ўзбек курашининг ишқибозлари кун сайин ортиб бораётир, — деди Республика кураш миллий федерацияси бош котиби Шуҳрат Рўзиев «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Кураш нафақат спорт тури, ўзбек ғурури, Ўзбекистонимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат нишонаси бўлиб дунё кезмоқда. Бунинг исботи ўлароқ, шу йилнинг 13-17 июль кунлари Анталия шаҳри мезбон бўладиган иккинчи жаҳон чемпионатида 70 дан ортиқ мамлакат алплари курашадилар. Шубҳасиз, ушбу нуфузли мусобақада кураш ватани алпомишлари юлдуз мисол порлаб туришлари даркор.

Шундай қилиб, Самарқанддаги чемпионатда 73 ва 90 ҳамда мутлақ вазн тоифасидаги баҳслар ғолиблари Анталияда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш шарафига муяссар бўладилар. Бу галги жаҳон чемпионатида илк бор ягона вазн тоифаси (63 кг) бўйича аёллар ҳам иштирок этишини ҳисобга олиб, яқин кунларда ўзбек хотин-қиз полвонлари ўртасида ҳам муносибларни саралаш мусобақаси утказилади.

Мунажжимлар тавсияси

(5 – 11 ИЮНЬ)

ҚЎЙ (21 март — 20 апрель). Ушбу ҳафтада ўзингизни ташвишга солаётган масалани ҳал этиш учун кўп асабийлашишингизга тўғри келади. Аммо кўнглингизни чўктирманг. Чунки, кўп ўтмай аввалги самарали фаолиятингиз туфайли юқори натижага эришасиз.

СИГИР (21 апрель — 21 май). Душанба кунги музокаралар муваффақиятли якунланади. Шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муаммоларни чоршанба ва жума кунлари ҳал этмасликни маслаҳат берамиз. Чунки, аҳволни оғирлаштириб қўйишингиз мумкин. Шанба куни дўстларингиз билан кутилаётган мулоқот бир олам қувонч келтиради.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь). Сешанба ва пайшанба кунлари баракали меҳнат қиласиз. Чоршанба куни моддий аҳволингизни яхшилаб олиш имконияти бор. Шанба куни ажойиб инсон билан танишишингиз мумкин. Якшанба кунги ҳар қандай сафарлар яхши якунланади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль). Душанба куни иш жойингизда келишмовчилик келиб чиқиши эҳтимоли бор. Чоршанба ва пайшанба — ижод учун қулай кунлардир. Шанба куни ишқий саргузашт, якшанбада эса уй юмушлари билан банд бўласиз.

АРСЛОН (24 июль — 23 август). Душанба ва чоршанба кунлари барча кўзлаган ниятларингиз амалга ошади. Сешанба куни молиявий ютуқ кутилмоқда. Жисмоний меҳнатга жума куни ҳаддан ташқари берилманг, жароҳат олишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳафтанинг охирида сизга омад кулиб боқади.

ПАРИЗОД (24 август — 23 сентябрь). Сешанба — барча муносабатларда муваффақияли кундир. Чоршанба куни шахсий ҳаётингизда юзага келувчи муаммолар келгуси режаларингиз ҳақида яна бир бор ўйлаб кўришга ундайди. Ҳафтанинг иккинчи ярмида саломатлигингиз бироз панд бериши мумкин.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь). Душанба куни яқин дўстингиз совға ҳадя қилади. Сешанба кунги асабийлашувдан сўнг катта куч-қувват билан ишга киришасиз. Сешанба-пайшанба — муваффақият келтирувчи кунлардир. Жума куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунларини ажойиб даврада ўтказасиз.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь). Душанба кун янги танишувлар ва ажойиб мулоқот билан ёдингизда қолади. Чоршанба куни қўшимча даромад ишлаб олиш имконияти бор. Дам олиш кунлари уй юмушларини бажарганингиз маъқул.

ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь). Сешанба куни керакли маълумотни қўлга киритасиз. Чоршанба куни ҳамёнингизга пул тушади. Жума куни яхши харид кутилмоқда. Мазкур ҳафта ишқий саргузашт билан якунланади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь). Ҳафтанинг бошида ўзингизни ҳам жисмонан, ҳам руҳий жиҳатдан ҳорғин сезасиз. Бу пайтда кундалик юмушлардан ташқари муҳимроқ ишни бажаришингиз мушкул. Узоқ қариндошларингиздан пайшанба куни қувончли хабар эшитасиз. Ижод учун шанба қулай кундир.

КОВҒА (21 январь — 19 февраль). Сешанба куни олисдан сим қоқишади. Пайшанба куни яқин кишингиз ўзига эътибор беришингизни талаб қилади. Касб маҳоратингизни жума куни намойиш этасиз. Дам олиш кунлари кутилаётган ишқий саргузашт узоқ вақт ёдингизда қолади.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март). Ушбу ҳафтадан бери ташвишлантираётган эски қарзларингиздан қутулиш имконияти бор. Пайшанба куни кутилмаган жойдан даромад келади. Эски қадрдонингиз билан якшанба куни учрашасиз.

* * * *

Фарғоналик истеъдодли ёзувчи Исроил Иброҳимов яқинда «Хавфли қочоқ» деб номланган янги қисса ёзди. Бугун биз ана шу асардан бир парча эълон қилмоқдамиз.

ХАВФЛИ ҚОЧОҚ

... Хуршид жуда катта молдунёни қўлга киритиш арафасида эди. У узоқни кўзлаб «Беш карра беш» хусусий компаниясини ташкил қилган, гарчи, кўп қаватли турар-жой биносининг биринчи қаватида икки хонали офисидан бошқа хатлашга лойиқ молмулки бўлмасада, сохта ҳужжатлар билан аслида йўқ батарея цехи қийматида ҳар бири минг сўмлик, икки минг дона акция чиқаришга эришганди. Рекламага пулни аямай газета ва журналларда, телевидение орқали, «Беш карра беш»нинг чексиз имкониятларини тарғиб қиларди: «Пулнинг икки ойда икки баробар, уч ойда уч баробар, беш ойда беш баробар кўпайишини истайсизми? Марҳамат! «Беш карра беш» компаниясининг ҳар бири минг сўмлик бир дона акциясини сотиб олсангиз беш ойда йигирма беш минг сўмга, ўн ойда бир юз йигирма минг сўмга эга бўласиз. Нақд имкониятни бой берманг!».

Реклама ўз ишини қилиб, акциялар кўз очиб юмгунча сотилди. Хуршид компания ҳисоб рақамига келиб тушган салкам икки миллион сўмни аямай сарфлаб, тағин ўн миллион сўмлик «Беш карра беш»нинг акцияларини тайёрлатди. Агар бу акциялар ҳам сотилиб кетса, биринчи босқич имтиёзли акциядорларга — янги харидорларни қизиқтириш мақсадида — ваъда қилинган беш карра дивидентларни тўлаш учун маблағ етиб ортарди. Алданган бошқа акциядорлар миқ этмасликлари тайин эди. Худди латифадаги каби, бор-йўғини тортиб олиб, камига дорга осмоқчи бўлишганда «арқон ўзларингда борми, ё уйдан опкелайликми», дейдиган даражада мутеликка қуниккан одамларнинг ўз ҳақларини талаб қилиб, судлашишлари ҳақиқатдан ғироқ эди. Тағин битта илинжи — ҳисоб рақамига келиб тушажак ун икки миллион сўмни каллани ишлатиб айлантира олса, беш-олти ойда ростакамига беш-олти баробар пул қилиши ҳеч гап эмасди... Хуршид чўнтакбоп электрон ҳисоблагичда ҳисоб-китоблардан чарчаб, офисдаги диванга ястанди. Кўзларини юмган заҳоти кўз ўнгида аввал Мунира, кейин Ҳалима гавдаланди. Ҳалиманинг «мартабангиз улуғ бўлсин» деган гапини ҳузурланиб эслади. Ҳа, ҳали шунақа бойиб кетадики! Топган пулларига «қўёш батареялари» ишлаб чиқарадиган корхоналар қурдиради. Келажак қўёш батареяларини! Ҳозир фазо кемаларигина қўёш батареяларидан қувват олиб учаётган бўлса, яқин келажакда улар ерда ҳам барча турдаги ёнилғиларни сўриб чиқаради. Автомобилми, самолётми, ҳаракатланадиган нимаики бўлса, бензин ёки газ ўрнига қўёш батареяларидан озиқланади. Улар такомиллашиб, бора-бора фақат офтоб нурингина эмас, ғира-шира ёруғликни ҳам электр энергиясига айлантириш даражасига етади. Хуршид Ўзбекистонда, бошқа мамлакатларда қўёш батареясининг асосий кимёвий элементини тайёрлаб берадиган корхоналар қуриб ташлайди. Минглаб ишчи ўринлари яратади...

— Банкда ҳисоб рақамимизни беркитиб қўйишибди, — Соннинг ташвишли овози уни чексиз фазодан ерга қулатди. — Ҳайронман, ҳисоботларни вақтида берганман. Баланс, ҳаммаси тўғрийди...

Хуршид шу чоққача тузукроқ разм солмаган экан. Соннинг тор, калта қўйлак-камзулчаси келишган қадди-қоматини кўз-кўз қилаётгандай, малла сочларига ярашган қорақош, қора киприк, мовий кўзлари, билинар-билинмас дид билан буялган, ҳар доим сал очилиб турадиган қалин лаблари ўз оғушига чорлаётгандай эди. Хуршид унга илк бор ходим сифатида эмас, аёл сифатида қараётганди. Эҳтимол Мунира фолбиннинг ҳузурида унутиб қолдирган хатни ўқимаганида, Соннга ўзгача кўз билан қарамасмиди?

Бухгалтер аёлларга хос сезгирлик билан Хуршиднинг бошқача назаридан ноқулай аҳволга тушиб, камзулчасининг этагини тортиб, кўкракларигача очиқ кўксини кафти билан тўсди.

— Бекор гап, ким айтди, — деди Хуршид кўзини олиб қочиб.

— Манам Холидага ишонмай ўринбосарга учрадим. Ростакам!

— Солиқни тавсияси билан беркитади холосу!

— Сўриштирдим, солиқдагилар биз буюрганимиз йўқ дейишади. Банк ўзи қилпти...

— Оббо, тағин ёғлаш керакка ўхшайди. Емон урганишдида! — деди бўғилиб Хуршид. — Бўпти, ҳаммага жавоб! Илёс билан Шариф зўрга турган эканлар, бир пасда қоралари ўчди.

— Сиз қолинг, — деди Хуршид чарм ёмғирпушини кияётган Соннга. У ёмғирпушни ва бошидаги қора рўмолини кийим илгичга илиб, бошлиққа савол назари билан боқди. Бошлиқ сейфдаги икки тахлам пулни олиб столга ирғитганди, сирпаниб ерга тушди.

— Обориб бериб, ҳисобни очтиринг! — деди Хуршид.

Соннг гўлли палосда ётган пулни олишга энгашганда Хуршид унинг оппоқ сийналаридан кўзини узолмай, ютинди. Столни айланиб ўтиб, қаддини ростлаётган бухгалтернинг билакларидан ушлаб, ўзига қаратди. Нозаниннинг мовий кўзларида неча ойлардан бери «парҳез» тутиб келаётган аёлгагина хос ишққа ташналикни сезиб, ҳансираганча юз-кўзларидан ўпа бошлади...

Эшик қўнғироғи жиринглаганда Хуршид кийиниб олиб, сочини тараётган, Соннг эса ваннахонада чўмилаётган эди. Оташдай қайноқ ишқ майига қонган, унинг лаззатидан ҳамон боши айланаётган Хуршиднинг мулоҳаза қилгудай ҳоли йўқ эди. Агар оқибати тузатиб бўлмас фожеага олиб боришини билганида, чала-чулпа тасаввур қилганида, балки эшикни очмасмиди! Эшикни очдию, нима дейишини билмай қўдранди. Остонада Мунира турарди. У иши, ишхонаси билан шу пайтгача тарифча қизиқмаган, «офиси» қаердалигини ҳам суриштириб қўрмаган хотинини қандай шамол учиргани билолмай гаранг эди. Бирдан фолбинни, у курсатган имзосиз хатни эслади-ю...

— Нима, шунақа туравермизми, — деди қошларини чимириб Мунира. — Киргизасизми?

Хуршид йўл бўшатди. Мунира «офис»нинг залидаги диван ёнида палапартиш сочилиб ётган камзулча, ичкўйлак, сийнабандларни кўриб дод-фарёд солмади, эрига ташланиб, юз-кўзларини юмдаламади. «Ростакам», деб пичирлади-ю, кўзларидан ёш юмалади. Хуршид лўлилик қилса, бир-икки мушт билан эсини киргизиб қўйишга шай эди-ю, индамай йиғлаётганини кўриб, нима қилишини, нима дейишини билмай қолди. Қизариб бўзарди. Хавф-хатар тўғилганда, агар киши карахт бўлиб қолмаса, мияси ёруғлик тезлигида ишлаб, фикрлар ғужғон ўйнайди. Хуршиднинг калласида ўзини оқлайдиган ўнлаб баҳоналар, «тасодифий англашилмовчиликлар» «мени танла, мени танла» деб саф тортди. Бири бўлмаса, бири Мунирани ишонтириши шубҳасиз эди. Мунира унинг гапларига ишониб, ҳозирги ҳам кулгили, ҳам аянчли ҳолатни эҳтимол унутарди ҳам. Лекин... Хуршид энди оғиз жуфтлаганда, ваннахонадан шир ялангоч, оппоқ, таранг баданининг белидан сонигача сочиқ ураган Соннг чиқиб келди.

— Қўйлакларимни узатвор, — деди Мунирани кўрмай. Мунира диван ёнидаги қўйлак-камзулни чангаллаб олганича «малласочнинг» юзига отди-ю, ҳунграб, ташқарига югурди...

— Кечир, билмабман, — орадаги оғир сукунатни бузди бухгалтер.

— Булар иш бўлди, — Хуршид қўлини силтади. — Бир томони, билгани яхши. «Кундошига» чидаса яшайди, бўлмаса катта кўча!

— Меничи, мендан сўраб кўрдингми, — деди нозланиб Соннг, — Сенга ҳали иккинчи хотин бўлганимча йўқ шекилли!

— Буласан-да! Бўлмай қаёққа борардинг!

Хуршид ўзини йўқотмай, атир совун ҳиди таралаётган таннозининг белларидан қучоқлаб, лабларидан упди.

— Бўлди, бас энди, индамаса...

Соннг бошлиғининг ҳушини ёнида келтириб, шоша-пиша кийиниб-таранди.

— Ҳали банкгаям улгуришим керак...

— Биттасини берсанг бўлади, — бўйруқ оҳангида деди Хуршид. — Биттаси ўзингга. Ўйга ул-бул оларсан!

— Раҳмат! Зўр сумкача қўргандим. Шунақа чиройли!

«Ҳаммасини дарди бир!», ичида кулди Хуршид. Лекин бухгалтерга сездирмаётган бўлса-да, у ҳозир қуладиган ҳолатда эмасди.

Хуршиднинг кўнгли ғаш, ичига чироқ ёқса ёришмасди. Ўзига ўзи қанчалик тасалли беришга ўринмасин, Мунирадан айрилиб қолганини сезарди. У ҳамма нарсани кечириши мумкин эди-ю, лекин буни... «Агар, мандан бошқасини топиб олсангиз, униям, ўзимниям бир нарса қип қўяман», деб бот-бот такрорлардан ахир! «Алам устида бошимдан шўрва тўкмаса ҳали», ташвишга тушди Хуршид. «У даражага бормас, тағин ким билади? Қаерда ўқигандим, аёл ақлининг эмас, ҳиссиётларининг қули!»

Хуршид телефонда ўйининг рақамини терди. Телефон ғушаги узун-узун дудутлаб тураверди. «Болалар кўчадан кемаган. У ҳам йўқ, бўлсаям, атайлаб жавоб бермаяпти». Агар Мунира жавоб берганида ҳам, нима дейишини ҳали ўйлаб кўрмаганди. Бироқ шуни яхши билардики, паст келса, ялинчоқ оҳангда сўзласа, авжига минса минадики, гапга кўнмайди. Фақат қамчидай жизиллатадиган гап билангина йўлга солиши мумкин... Ҳар қандай рузғорда бўлгани каби, баъзан жанжал чиқса, Мунира муросани тушунмас, бақириб бермагунча «ғижжаги»ни чалаверарди. Хуршид бақиришни бошлаганда ён қўшнилар телевизор кўраётган бўлса телевизорни, магнитофон эшитаётган бўлса, магнитофонни овозини пасайтириб, бутун вужудлари филмики каби ўлкан қулоқларга айланарди. Кейин эру-хотин «жарчилар», биттага унга қўшиб, Хуршиднинг ўйидаги «ҳангомани» бутун маҳалла билан «муҳокама» қилишга киришишарди. Бу муҳокама «муҳокамачи»ларга беҳад ҳузур бағишларди.

— Қўйди-чиқдилардан ёмон безор бўлдик-да, — дерди севинч билан «Карнайчи» лақабини орттириб олган қўшни хотин, — мани ҳужайин «сан» деб қўйсинчи, бир кун турармикинман!

Бу «гап» Мунираниг очиқ чирой, нафис чехрасига, чехрасидан ун қарра гўзалроқ, бировлардан нуқсон эмас, жозиба тўпадиган қалбига ҳасад қилиб, қуядиган хотинларнинг кўнглига таскин берарди. Улардан биронтаси «янги гап» топиб келганда Мунира ўша заҳоти оғзига урарди:

— Манга бунақа гап ташиб келманг, ўшатта қолсин!..

— Нимага сизни ғажишаверади, деб ҳайрон бўлардим, — деди бирдан гийбатчиларнинг гийбатидан огоҳ қилгани қирган янги қўшни. — Энди билсам, сизни яхшилигингиз жазавага соларкан уларни!

Мунира баъзан «уз уйимиздаям пичирлаб гаплашамизми, безор бўлса, кўчиб кетсин», деб қўйиккандa, Хуршид, «яхшиям шулар боракан, топганини ичворади-ю, газни пулини қатдан тўласин, демаганда, «алкаш» бўп кетармидим», деб қўлди. «Қуявер, сени ғиво қилишса, гуноҳинг тўкилади!» деб юпатарди...

Телефон жиринглаб, хаёлини бўлди.

— Ҳа. Э-ҳа, яхшимилар? Ишлар қалай? Раҳмат. Емон бас. Ғилдираб турибмиз. Неччига? Бўпти-бўпти? Бирон хизмат бўлса, бемалол! Хўп! Омон бўлсинлар!

«Чинор таги» чойхонаси баъзан ошна-оғайнилар тўпланадиган «пакка» эди. Чойхонани савол аломати шаклидаги сойнинг катта ва шошқин ирмоғи ураган, ирмоқнинг бўйидаги баҳайбат чинорнинг ёши мингдан ошганди. Хуршид Тошкентда ўқиб юрган кезлари хоразмлик Отаниёз деган дўстига чинорни кўрсатиб, «сизлардаги масжиду-мадрасалардан ёши улуғроқ» деб мақтанганди. Отаниёз ҳайратини яширмай, «вах-вах» деганича чинор атрофида айланар, «уйга бориб айтсам, ишонишмайди» дея кўярди. Кейин қаёққадир йўқолиб, суратқашни бошлаб келди. Битта қулида эса яп-янги арқон бор эди.

— Буни нима қиласан?

— Белини ўлчаб олай, белини!

Отаниёзнинг гапига чойхонадагилар қаҳ-қаҳа отиб, тоза кулишганди...

Хуршид чойхонага етиб борганида, дастурхонга қўй ёғининг жиззасини келтириб қўйишаётганди. Шишалар очилган, бироз қизариб олишга улгуришганди.

— Қимирламанглар, кўрганимиз, кўришганимиз! — деди Хуршид. Сўнгра: — Чўтали бегона бўлмасин-а, — гап отди карта «сураётган» турт оғайнига.

— Ке, ўтир, узиниям «ҳаллолаб» қўяйлик!

— Сал томогни ҳўллаб олай! «Илҳом» келади!

Хуршид карта ўйнаб бирон марта ютмаган, бироқ ўйин завқи, ўйин шавқи йўргакда теккан «дард»дай қайта-қайта ўзига чорлайверарди. Худди қашанда каби, ўйнамаса ҳумори ёзилмасди. Уни яхши билган картадаги «рақиблар» «ҳамма ютиб суюнса, Хуршид ютқазиб маза қилади», деб қулишарди. Аммо, худди ички бобида бўлгани каби, картада ҳам Хуршид меъёрини билар, ўйин йириклаша бошласа, вақтида этагини йиғиштирарди. Хуршиднинг қизиққонлигини яхши биллган «шериклар» ҳар доимгидай, унинг қонини жўш урдириш учун, бошланишида уч-турт «қўл» тушиб беришди. Негадир, ҳозир унинг кайфияти чатоқ, бу «меъёрини» унутганида билиниб турарди.

Пиёлани бўшатиб «закуска» қилишга улгурмай, бу гал «рулда» бўлган Учқунни шошириди.

— Марғилонча қимай, тўлдириб-тўлдириб қуй, чой бас бу, совуб қомайди!

— Пиёлани орқасигаям қуйиб бераман, — ҳазиллашди Учқун. — Ут кетдими, мунча типирчилайсан!

— Кайф қимаяпти-да, — ўзини оқлади Хуршид. — Худди сувдақа!

У рост айтаётган, лабига тўла пиёлаларни уч-турт марта «оқ қилиб» берган бўлсада, тушовланган отдай тетик ва ҳушёр эди.

Даврага «Ҳормаш» келиб қўшилди-ю, уни бирданига «опқолди». «Ҳормаш»нинг асли исмини биров эслолмасди. Унинг ёшини ҳам аниқ айтиш қийин эди. У туғилибдики, «сизлашни» билмас, онасини ҳам, отасини ҳам сансираб катта бўлганди. Беш қиздан кейин туғилган ўғлининг «эркалигини» ота-она кутарган, бемалол сансирашга изн бериб қўйишганди. Ўйдагина эмас, кўчада, етмиш ёшли қария билан ҳам сансираб гаплашаверар, унинг «сенлаши» шундай табиий жаранглардики, ҳатто бобоси тенги чол ҳам ундан хафа бўлишни хаёлига келтирмасди. Лақаби ҳам унга ўз-ўзидан, табиий «ёпишиб» олганди.

«Ҳормаш» бир куни маҳалланинг катта кўчасидан ўтиб бораётса, Темур полвонникида ҳашар бўлаётган, қўни-қўшнилар унинг кўча деворини «уришаётган» экан. Ҳашарчиларни узоқдан кўриб уйга толибди: «ҳорма» деса, бир киши эмас, кўпчилик, «ҳорманглар» деса сизлаб юборади, унинг сизлагани сукингани билан баробар! Ҳашарчиларга яқинлашганда ўз-ўзидан, тилидан машҳур сўз учибди:

— Ҳормаш! — дебди-ю, ортидан кўтарилган қаҳ-қаҳага парво қилмай йўлида кетаверибди...

«Ҳормаш»га бегона йўқ, умрида илк бор кўриб турган одам билан ҳам «каймоқлашиб» кетаверар, дуч келган даврага ҳудди эски қадрдонларидай қўшилиб олаверарди. «Ҳормаш»ни кўрганда бахри-дили очиладиган Хуршид бу сафар ғашланди.

— Ўйинга шу қўшилса, ман «паст», — деди ғашлигини яширмай.

— Сандақа жўжахўроз билан ўйнайманми, аввал мандан сўра! — «Ҳормаш» ҳам дарров кекирдагини чўзди. Ҳушёрроқ ошналар уни алдаб-суллаб, қозон бошига олиб чиқиб кетишмаганда, иккала хўроз «томоша» кўрсатиши турган гап эди.

Ош сузилганда Хуршиднинг кайфи анча тарқаган, бироқ «бўшалиб кетган» ҳовлиқманинг бўйнига картанинг «пирлари» каттагина қарзни илиб қўйишганди.

— Пича қарз бериб тур, — суради Хуршид сурлик билан, барибир ўйинга қўшилиб олган «Ҳормаш»дан.

— Бор-йўғимни тўшдиму, қатдан бераман! — деди даврадаги қарийб барчани қоқлаб олган «Ҳормаш» «камтарлик» қилиб. «Ҳормаш» ютсаям, ютқизсаям «қўли келмаганидан» нолишни яхши кўрарди. Енида бўла туриб «йўқ» дегани Хуршиднинг нафсониятига қаттиқ ботди, лекин кайфи анча тарқагани учун ўзини қўлга олди. Утиришни бузмай, деб индамади. «Фолбин фол очгандан бери ишим юришмаяпти», алам билан ўйлади у. «Бориб бир таъзирини бермасми?.»

Исроил ИБРОҲИМОВ.

ҲУРМАТЛИ ОБУНАЧИЛАР!

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси 2000 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун мамлакатимизда чоп этилаётган барча газета ва журналларга обуна қилишни давом эттирмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг обуна нархлари арзонлаштирилди.

Обунани «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ва «Узбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси тизимига кирувчи корхоналар, почтамплар, алоқа бўлимлари, махсус ташкил этилган обуна қабул қилиш пунктлари, баъзи газета сотиш киоскалари ҳамда почтальонлар орқали расмийлаштиришингиз мумкин.

Обунани расмийлаштириш, нашрларни уз вақтида тулиқ олишга доир барча савол, таклиф ва мулоҳазалар билан «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига ва унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ташкилотларига ҳамда «Узбекистон почтаси»нинг вилоят бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 700000, Амир Темур 1-тор кўча, 2-уй. Телефонлар: 133-60-78, 133-75-49, 133-67-71.

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

«АДОЛАТ» ГАЗЕТАсига ҳам обуна бўлишни унутманг!

Нашр кўрсаткичи: 100.

БИЛДИРУВ

Штатдан ташқари шартнома асосида фотомухбир бўлиб ишлаётган Ҳусанбой Раҳматович Аввалов ишдан бўшатилганлиги сабабли унга берилган 40-рақамли «Адолат» газетаси гувоҳномаси

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Газетанинг навбатдаги сони 2000 йил 16 июнда чиқади.

АДОЛАТ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Акбархўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ, Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Илҳом СИДДИҚОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 537, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Кўлёзмалар муаллифларга қайтаримайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босмага топшириш вақти—20.00. Босмага топширилди 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.